Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 10 (9246). 1988 йил 14 январь • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА

ТЕЖАМКОРЛИКДА НАМУНА

ЎЗБЕКИСТОН ССРда хизмат кўрсатган бинокор Қўчқор Йўлдошев бошлиқ комплекс бригада аъзолари ўзларининг унумли, сифатли ва тежамли ишлари билан 159-қурилиш трестида катта обрў орттиришган. Бинокорлар ўз меҳнат фаолиятларида ҳар бир кубметр бетон, ҳар бир дона ғишт ва бошқа шу каби қурилиш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шунинг учун ҳам бу соҳада яхши натижаларга эришишмоқда. Аҳил коллектив биргина ўтган йили 25 куб метр бетон, 2 мингта пишиқ ғишт, 3 куб метр тахтани иқтисод қилиб қолдилар.

Бригада аъзоларининг ўртача иш кўрсаткичлари 120 процентни ташкил этмоқда. Улар янги йилнинг дастлабки кунларидан Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига бошланган умумхалқ мусобақасида фаол қатнашмоқдалар. Ҳозирги вақтда Юнусобод массивида барпо этаётган 320 ўринли болалар боғчасини барвақт фойдаланишга топшириш учун қизғин кураш бошлаб юбордилар. Бу меҳнат беллашувида бригаданинг Ҳамид Убайдуллаев, Эргаш Латипов, Жамол Сулаймонов, Эргаш Юсупов, Абдужалил Абдураимов, Вера Асинова сингари аъзолари меҳнатда қасбдошларига намуна бўлишяпти. Улар смена топшириқларини 140 процент атрофида бажаришмоқда. Ишларнинг сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмоқда.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

ДЕМОКРАТИЯЛАШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МОҲИЯТИ, СОЦИАЛИЗМНИНГ МОҲИЯТИДИР

КПСС Марказий Комитетида учрашув

Илгари хабар қилинганидек, 8 январь куни КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари, идеология муассасалари ва ижодий союзларнинг раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачев** нутқ сўзлади. У бундай деди:

Ўртоқлар! Сизлар билан биз янги йил энди бошланган пайтда учрашиб турибмиз. Аммо суҳбатимиз фақат янги йил тўғрисида эмас, эски йил ҳақида ҳам бўлади. Бунинг сабаби икки йил ўртасида муаммоларни айни шундай нуқтаи назардан қараб чиқиш одат бўлганлиги эмас, бунинг сабаби яна шундаки, ўтган йил ҳам, ҳозир бошланган йил ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Биз бугун олдин бўлиб ўтган учрашувларимиз руҳида дўстона ва рўй-рост гаплашиб олмоқчимиз. Ҳозирги давр мамлакатимиз тақдири учун алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, биз одимларимизни бараварлаштириб олишимиз керак. Шу сабабли биз бундай суҳбатларни аввало партиянинг ичида, партия аппарати билан, халқимизнинг барча қатламлари билан олиб бораяпмиз. Ўртамизда қарор топган яхши анъанани оммавий ахборот воситалари ва ижодий союзларнинг раҳбарлари билан учрашувни давом эттиришни истаймиз, албатта.

Фикр ва мулоҳазаларимизни ўртоқлашиш, дўстона баҳслашиш бизга жуда зарур. Шу сабабли, азиз ўртоқлар, сизлар билан учрашувга катта аҳамият бераяпмиз.

Мен 1987—1988 йиллар ўртасидаги маррада учрашяпмиз, дедим. Мана шунинг ўзи ҳам ўтмишга, қилинган ишларга баҳо беришга, келажакка назар ташлашга ўринли кўришни тақозо этади.

Бу суҳбатимиз яна бир вазият туфайли алоҳида аҳамият касб этади. Биз қайта қуришнинг дастлабки босқичини асосан тугалладик ва иккинчи босқич бошланмоқда. Шу сабабли биз янги маррада турибмиз. Бундай босқичларга бўлиш шартлидир, албатта: ҳаётда ҳамма нарса ўзаро боғлиқ, бошланган ишларнинг кўпи давом этмоқда ва бундан буён ҳам давом этаверади.

Биз олдимиздаги вазифаларни аниқ белгилаб олиш учун ана шу икки босқични бир-биридан ажратмоқдамиз. Дастлабки босқичда 80-йилларнинг ўрталарига келиб юз берган вазиятни назарий жиҳатдан идрок этиб олиш учун кўп иш қилишимизга тўғри келди.

Ўзимиз яшаётган жамиятнинг реал ҳолатини тушуниб олиш, келажак учун режалар тузиш лозим эди. Бунинг устига, юзаки ва енгил-елпи тасаввурлар асосида эмас, балки мамлакат олдидаги, социализм олдидаги, дунё олдидаги масъулиятни англаб етиб, мамлакатимизнинг обрўйи ва ролини ҳисобга олган ҳолда келажак режаларини тузишимиз лозим эди.

Биз қайта қуриш концепциясини ишлаб чиқдик, энг муҳим, катта қарорларни қабул қилдик. Бундай қарорлар бўлмаса, биз айни бир пайтда жорий масалалар билан шуғулланиб, истиқболни кўзлаб ҳаракат қила олмас эдик.

Қайта қуришнинг мана шу босқичида жамиятимизнинг жуда кўп кучлари ишга солинди. Энг аввало партиянинг потенциали, олимлар, бадиий зиёлилар, оммавий ахборот воситалари ишга солинди. Мамлакат ҳаёти давом этди, халқ ҳаракат қилди. Халқ назарий ва сиёсий изланишлар тугалланишини кутмай меҳнат қилди, вазифаларни ҳал этди.

Биринчи босқич кейингисидан ана шулар билан фарқ қилади, — биз нима қилиш кераклигини ва қандай қилиш кераклигини аниқлаб олдик. Бу қийин вазифа бўлиб, ҳозир ҳам актуаллигича қолмоқда. Аммо ҳозир энг мураккаб босқич бошланди, бу босқичда қайта қуриш концепцияси ҳаёт билан, миллион-миллион совет кишиларининг амалий фаолияти билан ғоят кенг миқёсда боғлиқ бўлиши лозим. Сиёсий раҳбариятдагилар, халқимизнинг илғор қисми англаб етган нарсаларни эндиликда бутун халқимиз, унинг барча қатламлари англаб олиши керак. Бунингсиз, партия сиёсатини равшан англамай туриб, унинг зарурлигига ишониб бўлмайди. Одамларнинг матонатини ва реал ҳаракатларини айни ана шундай ишонч белгилаб беради.

Бу вазифа чинакам улкан вазифадир. Бу ўринда инсон диққат марказида бўлади. Ҳамма нарса инсон учун қилинаётганлиги нуқтаи назаридан ҳам, биз коллектив равишда режалаштирган барча ишларни одамларнинг ўзлари бажаришлари лозимлиги нуқтаи назаридан ҳам инсон асосий ўрин тутади.

Ҳозир кўп нарсалар кескинлашди, баҳслар авж олиб бормоқда. Қайта қуриш жараёни қурашсиз ўтмайди. Шундай бўлиши табиийдир. Қайта қуриш ҳақиқатан ҳам революциянинг давоми экан, ҳозир биз чинакам революцион сиёсатни ўтказаётган эканмиз, бинобарин кураш бўлиши муқаррардир.

Барча революция йилларида ана шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай бўлади. Биз буни сезиб турибмиз. Бу курашнинг шакллари ва унинг қатнашчилари эса — бутунлай бошқа ишдир. Бизнинг мамлакатимизда — бу антагонистик тарзда бир-бирига қарама-қарши турувчи, бир-бирига зид синфий манфаатларга эга бўлган душман томонлар эмас. Уларни группалар, муваққат манфаатлар, ҳатто баъзан нафсониятни (агар нафсониятни умуман манфаатлар қаторига киритиш мумкин бўлса) дейиш мумкин.

Биз ҳаммамиз мамлакатни қайта қуришга оид улкан бунёдкорлик ишларининг қатнашчиларимиз. Шу боисдан қурашимиз характери баҳс.лар, идеологик мунозаралар шаклида бўлиб, уларнинг мақсади вазиятни тушуниб етишдан, олдимизда турган вазифаларни аниқлаб олишдан иборат бўлади. Ана шулар атрофида гап юритиш лозим, ўртоқлар.

Биз бир босқичдан чиқиб, иккинчисига қадам қўяяпмиз. Вазифалар ва айниқса иш қўламлари сифат жиҳатидан ўзгармоқда. Ишнинг оғирлиги энди амалда рўёбга чиқариш, сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш соҳасига кўчмоқда. Бу эса сифат жиҳатдан янги вазият бўлиб, уни ҳаммамиз сездик. Шу учрашувда қатнашаётган, жамиятимиз ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган, ҳар куни кўплаб ахборот олиб турган кишиларнинг ҳаммаси бизда юз бераётган жараёнларни, уларнинг истиқболини англаб, кўриб ва сезиб турибдилар.

Ана шу жиҳатдан мен яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: 1987 йил бизга кўп нарсани берди. Биз унга энг жиддий мезон билан қараб баҳо берар эканмиз, бу — катта меҳнат йили бўлганлигини тан олишимиз керак. Ҳақиқатан ҳам ўтган йили биз Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан амалга оширган ўша назарий, сиёсий ва амалий ишлар бўлмаганда эди, сиз билан биз ўтмишимизни ҳам, ҳозирги босқични ҳам, истиқболларимизни ҳам англаб етишда икки-уч поғона пастда турган бўлардик. Биз жамиятни таҳлил этишни теранлаштирдик. Ҳозир ўз тарихимизни яхшироқ биламиз. Бу эса ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Тарихни унутиб юборишни ёки унинг қандайдир бир қисмидан фойдаланишни таклиф этаётган кишиларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Бундай нуқтаи назар биз учун номақбул эканлигини эндиликда ҳаммамиз яхши тушунамиз. Биз ўз Ватанимиз тарихини айниқса Октябрдан кейинги тарихини чуқур билиб олишимиз керак. Ана шу тарихни билиш, у ёки бу ҳодисаларнинг сабабларини, давлатимизнинг улкан ютуқларига асос бўлган сабабларни билиш, тарихимиздаги катта хатолар, фожиали воқеаларнинг сабабларини билиш — буларнинг ҳаммаси биз жамиятни янгилашни, социализм потенциалини, унинг қадриятларини тўлароқ очиб беришни талаб қилаётган ҳозирги кун учун сабоқ чиқариб олишимизга имкон беради. Ҳозир биз ҳақиқатан ҳам ўз тарихимизни, сўнгги вақтда ҳаммамизни ташвишга солган ва жамиятни қайта қуриш зарурлигига тўғрисидаги қарорларнинг бевосита сабаби бўлган жуда кўп воқеаларнинг илдизларини яхшироқ биламиз.

Шу билан бирга, Октябрнинг 70 йиллигига тайёргарлик давомида ўз тарихимизни англаб етишда эришганларимиз қотиб қолган, ўзгармас нарсалар эмас. Бундан буёнги тадқиқотлар давомида бу маълумотлар чуқурлашиб ва ривожланиб боради.

Билимларни, тарихни англаб етишни чуқурлаштириш, ўтмишдан хулоса чиқариб олиш ва, албатта, ҳаракат истиқболларини ишлаб чиқиш — бугунги ишларимиз ана шулар билан фарқ қилади. Бу соҳада қилинган ишлар жамият ҳаёти бутун сиёсий, мафкуравий, маънавий соҳаларини бойитди. Бу биринчидан.

Иккинчидан. Юқорида айтганимдек, 1987 йил катта қарорлар қабул қилинган йил бўлди. Мен бундай деган бўлур эдим: агар биз ҳозир КПСС Марказий Комитетининг январь, июнь Пленумлари қарорларига эга бўлмаганимизда эди, давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга эга бўлмаганимизда эди, у ҳолда сиз билан биз бошқача бўлур эдик. Вазиятни тушуниб етишимиз ҳам, ҳозир нима иш қилиш ва қандай йўлдан олга ҳаракат қилиш ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам бошқача бўлур эди.

Қайта қуриш назарияси ва сиёсатини ишлаб чиқишда олга томон жиддий ҳаракат қилинганлиги ишларимизга онгли, собитқадам тус бермоқда. Эндиликда биз қабул қилинган қарорлардан келиб чиқиб, ана шу муаммоларни партияда, умуман жамиятда илмий таҳлил этиш ва кенг муҳокама қилиш асосида изчиллик билан ҳаракат қила оламиз. Бу эса қайта қуришнинг навбатдаги босқичига ўтишимизга имкон беради.

Совет Иттифоқида амалга оширилаётган жараёнлар фақат бизнинг мамлакатимиз, бизнинг халқимиз учунгина эмас, шу билан бирга социализм тақдири учун, умуман дунёдаги вазият учун ҳам жуда катта аҳамиятга молик эканлигини ўтган йил ишонарли тарзда кўрсатиб берди. Буни биз ўтган йили айниқса яққол ҳис этдик.

Бу бизнинг масъулиятимиз даражасини ҳам белгилаб беради. Мамлакатимиз ичарисида, ташқи сиёсат соҳасидаги ташаббуслар билан боғлиқ ҳолда қилаётган ишларимиз жаҳондаги вазиятни яхшилик сари ўзгартириш вазифасини реал равишда қўйиш мумкин эканлигини биринчи марта сезиб олишимизга имкон берди.

Яқин ўтмиш — 1986 йилнинг 15 январини эслайлик. Ўшанда биз ядросиз, хавфхатарсиз дунё концепциясини эълон қилган эдик. Ғарбдагилар (айниқса, сиёсатчилар ва сиёсатшунослар) буни дастлаб хомхаёл деб айтишди. Эҳтимолки, пацифизмнинг руҳи ғалаба сингдирилган бўлса-да, аммо реал сиёсатдан анча нарида бўлган навбатдаги ярқироқ шиордек қабул қилинмаслигига ўзлари ҳужжатни аввал бошданоқ пухта ўйлаб тайёрлаган эдик. Ҳа, мазкур ҳужжатда мақсадлар ҳам, вазифаларни ҳал этишнинг конкрет йўллари ҳам, манфаатлар баланси ҳам аниқ пухта белгиланган эди. Бу ҳужжат амал қилишига ишончимиз комил эди. Аммо шунга қарамасдан, биринчи босқичда кўпчилик бу ҳужжатда актуал аҳамиятга эга бўлмаган олис мақсадгина белгиланган, деб ҳисоблади.

Бугун биз ўзимиз илгари сурган ва янгича сиёсий фикрлаш ғоялари қийинчилик билан, жангу жадал билан таркиб топган ақида-андозаларни, эскича ёндашувларни бартараф этиб ўзига йўл очаётганини, илгарилаб бораётганини кўриб турибмиз. Сизлар жаҳон жамоатчилигининг турли намояндалари билан кенг кўламда алоқа қилиб турибсиз. Ва мен айтаётган гапларда муболаға йўқлигини тасдиқлайсиз, деб ўйлайман. Жаҳондаги вазият, кайфият яхшилик томон ўзгармоқда. Ўша йил жаҳонда анчагина ҳориб-чарчаш борлигини, унда инсон ҳаётини чигаллаштирадиган анчагина муаммолар тўпланиб қолганлигини очиқ-ойдин кўрсатди. Қуролланиш пойгаси, ҳарбий мухолифлик жуда катта ресурсларни, инсон ақл-идроки ва инсон куч-ғайратларини ҳаётий муҳим умуминсоний вазифаларни ҳал этишдан чалғитмоқда.

Шу боисдан ҳам бизнинг концепциямиз ва шундан кейинги конкрет ташаббусларимиз, умуман, тайёрлаб қўйилган заминга асосланди. Ҳозир эса дастлабки ниҳоллар ҳам пайдо бўлди. Назаримда, конкрет натижани қўйидагича таърифлаб беришимиз мумкин: халқаро вазиятни яхшилаш, соғломлаштиришнинг реал жараёни бошланди. Бурилиш ҳозирча содир бўлгани йўқ, аммо ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ана шу бурилишнинг бошланиши бўлди. Агар ўтган йилга сиёсий йўсинда, кенг кўламда назар солинадиган бўлса, биз уни жаҳон тараққиётидаги кенг миқёсли, катта воқеалар ва ўзгаришлар йили деб баҳолаймиз.

Қайта қуришнинг боришига сиёсий нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, унинг асосий майдонига халқ шахдам қадамлар билан чиқаётганлиги энг муҳим омилдир. Партия, давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари ишидаги демократиялаш, ошкоралик жараёнларидан фойдаланаётган халқнинг овози тобора салмоқлироқ янграмоқда. Ҳозир ишчи синфи жамият ҳаёти, қайта қуриш масалаларини асосли равишда ўртага қўяётганлигига, янги вазият тақозоси билан ўз талабларини реал тарзда айта бошлаганига бир назар ташланг.

31 декабрь куни биз Сиёсий бюрода ўтган йилнинг энг мароқли воқеаларини бир неча соат муҳокама қилдик. Хулосаларимизнинг бири шуки, ўтган йили, эҳтимол, қандайдир айрим кишилар ёки кичикроқ группалар қайта қуришга қарши позицияларда турдилар. Умуман эса ишчилар ҳам, колхозчилар ҳам, зиёлилар ҳам ниҳоятда ўткир мунозараларда, фикрларнинг жуда ўткир тўқнашувларида, тармоқлар, меҳнат коллективлари ҳаётининг ниҳоятда хилма-хил масалаларини муҳокама қилишда қайта қуриш иши учун, мамлакат ва социализм учун жуда катта масъулият туйғусини ҳис этиб ҳаракат қилдилар.

Бу жуда муҳим воқеалар, ўртоқлар, халқ фикрининг сал бўлса-да, ҳаракатга келишидан, тузумимиз замиридаги социалистик демократия потенциалини рўёбга чиқаришга халқнинг уринишидан чўчимай қўйганимиз, довдираб қолмаётганимиз маъқул ишдир. Партия тажриба тўпламоқда, кадрларимиз тажриба тўпламоқда. Бу иш осонлик билан, силлиқкина кўчаётгани йўқ: биз ҳали кўпинча бир-биримизга дагдаға қилмоқдамиз.

Бизни кўпинча дам ўнгдан, дам сўлдан танқид қилмоқдалар. Сўлдан танқид қилаётган кишилар, қайта қуриш тўхтаб қолди, демоқдалар, яна ҳам қатъийроқ чоралар кўришга, кадрларни «элак-элак» қилишга ва шу кабиларга даъват этмоқдалар. Жумладан, бу Марказий Комитетнинг октябрь Пленумида ҳам намоён бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

Швецияга визит давом этмоқда

СТОКГОЛЬМ, 12 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Расмий визит билан бу ерга келган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бугун Швециянинг таниқли давлат ва сиёсат арбоби У. Пальме қабрига гулчамбар қўйди.

Кунинг биринчи ярмида Н. И. Рижков Швеция риксдаги (парламенти)га борди ва унинг раиси И. Бенгтссон билан учрашди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида СССР билан Швеция ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишидан мамнуният изҳор қилинди, иккала мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу куни Совет ҳукуматининг бошлиғи Швеция парламентидаги етакчи партияларнинг раҳбарлари билан учрашди.

* * *

Н. И. Рижков Стокгольм ратушаси биносида Швеция савдо-саноат доирасининг вакиллари, саноат ва савдо компанияларининг раҳбарлари билан учрашди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Совет — Швеция савдо-иқтисодий алоқаларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида манфаатдорлик билан фикрлашиб олинди.

СССР Министрлар Советининг Раиси савдо-саноат доиралари вакиллари ҳузурида нутқ сўзлаб, бугун Швеция Бош министри И. Карлссон матбуот учун берган баёнотида Болтиқ денгизида денгиз кенгликларини чегаралаш тўғрисидаги масала юзасидан СССР билан Швеция ўртасидаги кўп йиллик музокаралар муваффақиятли тугаганлигини ва бу ерда, Стокгольмда тегишли принципиал аҳднома имзоланишини маълум қилганлигини мамнуният билан уқтириб ўтди.

Бир-бирларимизнинг манфаатларимизни назарда тутиб, икки томонлама мусобатларда вужудга келаётган муаммоларни яхши қўшничилик ва ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида ҳал этиш истагига амал қилиб, шуни таъкидлашни истардимки, деди Н. И. Рижков, биз ўн тўққиз йил мобайнида ҳамкорлигимиз муҳитини қийинлаштирган мана шу мураккаб масалани биргаликдаги куч-ғайратларимиз билан ҳақиқатан ҳам келишиб ҳал эта олдик ҳамда бу билан СССР ва Швеция ўртасидаги муносабатларда узоқ муддатли барқарорликнинг анча мустаҳкам пойдеворига яна бир ғишт қўйдик.

Бугунги кунда халқаро иқтисодий муносабатлар масалаларига ҳам, хусусан, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Швеция ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш масалаларига ҳам муҳолифликдан кескинликни юмшатиш сари сезилаётган бурилишнинг иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олмай ёндашиб бўлмайди.

Совет — Америка муҳолифлиги даври СССР ва АҚШ ўртасидаги савдо-сотиқ алоқаларида кескин пасайишга олиб келибгина қолмай, шу билан бирга СССРнинг ғарбдаги бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини ривожлантириш учун жиддий қийинчиликлар келтириб чиқарди.

Шу сабабли биз халқаро савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари тўғрисидаги масалалар хусусида ўйлаганимизда, бу соҳадаги истиқбол ҳозирги вақтда принципиал жиҳатдан икки хил кўринишда намоён бўлишини мутлақо аниқ-равшан тасаввур қилишимиз зарур. Муҳолифликни пасайтириш йўлидан борилиб, қурол-яроғлар қисқартирилса, халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида сифат жиҳатидан янги вазият вужудга келади ёки ҳарбий қарама-қаршилик сақланиб қолиб, қуролланиш пойгаси давом эттирилса, савдо-сотиқни ривожлантириш учун бизга яхши маълум бўлган ноқулай шарт-шароит вужудга келиб, ҳамкорлик соҳалари қисқартирилади, кўпгина имкониятлар қўлдан бой берилади.

Буларнинг ҳаммаси келгусидаги Совет — Швеция муносабатлари учун аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи Швеция билан савдо-иқтисодий алоқаларимиз янада кенг ривожлантирилиши учун курашади, албатта.

Бир қанча ўзлаштирилган соҳаларда савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, энг аввало, Совет Иттифоқининг ҳам, Швециянинг ҳам манфаатини кўзлайди. Яқин йиллар ичида Совет Иттифоқининг анъанавий товарлар экспортини кўпайтириш илгаригидек биргаликдаги ишларимизда муҳим йўналиш бўлади. Шу билан бир қаторда Швецияга табиий газ етказиб бериш имкониятларига тааллуқли дастлабки протоколлар Швеция маҳсулотини кўпроқ харид қилишимиз учун, шунингдек энергетика соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Олис истиқболдаги Совет — Швеция савдо-сотиқ мусобатларини кўриб чиқадиган бўлсак, бундай мусобатларни кенг кўламда ва барқарор ривожлантириш имкониятларини совет экспорти структурасини янгилаш ва саноатда янада мустаҳкам алоқалар ўрнатиш билан сўзсиз биргаликда боғлаш зарур.

Совет экономикасини экстенсив ривожлантириш даври тугади ва кенг кўламда интенсивлаштириш босқичи бошланмоқда. Умуман мамлакат учун ва айрим корхоналар учун халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш иқтисодий самарадорликни ошириш ва харажатларни камайтиришнинг ғоят муҳим воситаси бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам кенг кўламда ҳамжиҳатлик ва халқаро ҳамкорлик сари бурилиш ўз объектив негизига эга ва капиталистик мамлакатларнинг фирмалари бундай ҳамкорликда қанчалик фаол қатнашишларига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўлади. Бироқ Ғарб фирмалари билан ҳамкорлик қанчалик кенг ва жадал ривожланса, совет бозорига кириб бориш учун, умумий-иқтисодий омил сифатида унинг жуда катта имкониятидан фойдаланиш учун шунчалик кўпроқ имкониятлар пайдо бўлиши, шубҳасиздир. Аслида гап узоқ муддат давом этадиган чуқур жараён тўғрисида бормоқда ва бу жараённинг аҳамиятини баҳолаш қийин.

Шуни қўшимча қилиб айтиш керакки, бундай ҳамкорлик омиллари ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд. М. С. Горбачев яқинда Мурманскда баён этиб берган совет таклифларида шу нарса таъкидлаб ўтилади. Совет таклифларида Арктика шимоли ресурсларини ўзлаштириш, жумладан, Кола ярим оролининг табиий бойликларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида ўртага қўйилади.

СССРнинг Швеция билан иқтисодий ҳамкорлиги мамлакатларимиз манфаатларига мос бўлибгина қолмай, шу билан бирга ҳамжиҳатлик ва ишонч муҳитини вужудга келтиришга ёрдамлашади. Шу сабабли биз Швеция билан савдо-сотиқ алоқаларимизни ривожлантиришни катта ва зарур иш деб биламиз ҳамда бошланган 1988 йилда биргаликдаги янги лойиҳаларни амалга оширишга, ҳамкорлик учун янги имкониятларни аниқлашга, янги-янги ташаббуслар билан чиқишга муваффақ бўламиз, деб умид билдирамиз.

Н. И. Рижков тушдан кейин Швеция кооператорларининг салкам 2 миллион кишини бирлаштирган энг кўҳна ва йирик ташкилоти — Швеция кооператив иттифоқида меҳмон бўлди.

И. Карлссон, бошқа расмий кишилар ва савдо-саноат доираларининг вакиллари Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмон билан бирга бирлашмада бўлдилар.

СССР элчихонасида СССР Министрлар Совети Раисининг Швецияга расмий визити муносабати билан қабул маросими ўтказилди. Қабул маросимида И. Карлссон, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, мамлакат саноат ва молия доираларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети секретари Г. П. Разумовскийнинг Ўзбекистон ССРда бўлиши

КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский 11—13 январь кунлари Ўзбекистон ССРда бўлди. У республика партия ташкилотининг КПСС XXVII съезди йўл-йўриқларини бажариш фаолияти билан, ҳозирги туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва жамият ҳаётини ҳар томонлама демократиялаш босқичида республикада партия сиёсатини рўёбга чиқариш масалалари қандай ҳал этилаётганлиги билан танишди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари «Электробитмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси Самарқанд холодильниклар заводига, шунингдек СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасига борди, у ерда янги техника ва илғор технологияни жорий этиш ҳамда роботлаштирилган участкалар ва линиялар иши билан, истиқболни кўзлаб янги маҳсулотлар ишлаб чиқилиши билан танишди. Самарқанд заводи коллективи икки йил ичида маҳсулоти касод бўлган зарар келтирувчи корхонадан ўз маҳсулотининг салкам қирқ процентини экспортга жўнатаётган юксак рентабелли корхонагача бўлган йўлни босиб ўтди.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатда туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, ўзжалик юритишнинг янги методларига ўтиш, иқтисодий ва социал масалаларни ҳал этишда меҳнат коллективларининг, улардаги кенгашларнинг ролини ошириш тўғрисида сўз борди. Янгича ишлай бошлаган корхоналар партия ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, сайлаб қўйиладиган партия органларининг, ҳар бир коммунистнинг обрўсини ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Г. П. Разумовский ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари, социал соҳа, уй-жой қурилиши қандай ривожлантирилаётганлиги билан қизиқди, савдо-маиший хизмат комплексини, ошхонани бориб кўрди, психологик дам олиш хоналарида, спорт залида бўлди. Ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтиш меҳнаткашлар турмушини бирмунча яхшилаш имкониятларига таъсир қилишига, ишнинг иқтисодий кўрсаткичларида яхши акс этишига катта эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз фермасига бориб, чорвадорлар қандай меҳнат қилаётганликлари ва дам олаётганликлари билан танишди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Тошкентда ва Самарқандда савдо, умумий овқатланиш корхоналарига, бозорларга борди, социал соҳанинг ривожлантирилиши билан танишди. Аҳолининг товарлар ва хизматларга эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш зарурлигига эътибор жалб этилди.

Г. П. Разумовский республика партия — совет активлари билан учрашди. Учрашувда республика партия ташкилоти XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик даврида ҳал этиши лозим бўлган вазифалар ҳақида гаплашиб олинди. Сайлаб қўйиладиган партия органларининг ҳозир ўтаётган ҳисоботлари КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари йўл-йўриқларини амалга ошириш борасида партия ташкилотларини олиб бораётган фаолиятнинг талабчан кўриги бўлиб қолганлиги таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон экономикаси техника тараққиёти изига секинлик билан ўтказилаётганлигига, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор формалари суст жорий этилаётганлигига, асосий фондларни янгилаш жараёни секинлик билан амалга оширилаётганлигига эътибор қаратилди. Экономикага партия раҳбарлиги савиясини ошириш, ҳозирча сўз билан иш ўртасида мавжуд бўлган тафовутни бартараф этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Г. П. Разумовскийнинг республика бўйлаб сафарида унга Ўзбекистон Компартия.си Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектор мудири В. И. Бессарабов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов ҳамроҳлик қилдилар.

(ЎзТАГ).

АССАЛОМ, МОСКВА!

12 январь куни космос қаҳрамонлари — Юрий Романенко, Александр Александров ва Анатолий Левченко Бойқўнғир космодромидан Звёздний шаҳарчасига келдилар. Космик вахтада ишлаган фазогирлар бу ерда зўр шодиёналик билан кутиб олиндилар.

Суратда: космонавтлар Звёздний шаҳарчасида.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

ДЕМОКРАТИЯЛАШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МОҲИЯТИ, СОЦИАЛИЗМНИНГ МОҲИЯТИДИР

(Давоми. Бошы биринчи бетда).

Мунозара нимани кўрсатди? Ҳозир, биз жиддий ишга киришганимизда, қайта қуриш снёсатини амалга ошира бошлаганимизда, уни рўёбга чиқара бошлаганимизда «ўта қайта қуриш» фразеологияси заиф бўлиб чиқди. «Революцион» ибора намояндаларида сабот-бардош ҳам, жамиятимизни янги марраларга олиб чиқиш учун зўр бериб, узоқ вақт қилинадиган ишнинг масъулиятини, оғирлигини ўз зиммасига олишга шай бўлиб туриш қурби ҳам йўқ.

Ана шу фразеологияга партиявий зарба берилганлигини зиёлиларнинг қандайдир бир қисми, айниқса ёшлар қайта қуришга зарба деб қабул қилганликларини яшириб ўтирмаймиз. Аммо бу — ниҳоятда янглишишдир ва халқ сафсатага берилмасдан буни тўғри тушунди.

Энди қайта қуришни ўнгдан туриб танқид қилиш хусусида. Бу томондан гўё социализмнинг «негизлари емирилаётганлиги» тўғрисида овозлар эшитилиб турибди. Масалани қуйидаги тахлитда қўйиш қонуний бўлади: хўш, ана шу асослар қай йўсинда емирилмоқда? Халқ ўзи хўжайин бўлган мамлакатдаги ишларга дадил киришиш учун қаддини ростлаб, бошини мағрур кўтараётганидами? Аксинча, социализм заифлашиш у ёқда турсин, халқнинг снёсий ва социал активлиги йўли билан ўз потенциалини тўлароқ рўёбга чиқармоқда.

Маъмурий-буйруқбозлик методларига ва ана шу методларнинг соҳибларига, уларнинг манфаатларига зарба урилмоқда. Вақтнинг фаҳмига етмаётган, ҳаётимизни демократиялаштирмасдан туриб бундан буён олға ҳаракат қила олмаслигимизни мутлақо тушунмаётган кимсаларга зарба берилмоқда. Биз қайта қуришга киришганимиздаёқ буни ўйлаб қўйган эдик. Шунинг учун ҳам биз ўзимиз танлаб олган йўлдан қатъият билан бораверишимиз лозим. Шу маънода ҳам 1987 йил социалистик демократиянинг катта мактаби бўлди.

Сабоқ бериш қийин, албатта, аммо мен сизга айтсам, сабоқ яхши ўзлаштирилмоқда. Биз сиз билан 1985 йилнинг апрелидаги одамлар эмасмиз, биз сиз билан ҳатто 1987 йил арафасидаги одамлар ҳам эмасмиз. Биз кўп нарсаларга эга бўлдик. Бизга: аммо баъзи нарсалардан маҳрум ҳам бўлдингиз, демоқдалар. Ҳали биз каттароқ нарсадан маҳрум бўлганимиз йўқ, агар принципиал йўлга риоя қиладиган бўлсак, каттароқ нарсалардан маҳрум бўлмаймиз, деб ўйлайман.

Бугун қайси вазифалар ниҳоятда мушкул бўлиб турибди, қайта қуриш йўлидаги қўзга кўринмас тошлар қаерда? Мен бундай деган бўлур эдим: биз йўл устида тўғоноқ бўлаётган ғовни ҳозироқ батамом бартараф этдик, кенг қўламдаги социалистик демократия изига тўла-тўкис тушиб олдик, янги хўжалик механизми изига тўла-тўкис тушиб олдик, деб ҳисоблаш нореалистик бўлур эди. Биз қайта қуришни эндигина бошлаяпмиз, жамиятимиз фақат эндигина турғунлик ҳолатидан чиқиб келмоқда. Қайта қуриш жараёнига халал бераётган йўл устидаги тўғоноқларни бартараф этиш, бугун ҳам асосий вазифа бўлиб турибди.

Жамиятда янги ғоявий-ахлоқий муҳитнинг барпо этилганлиги қайта қуриш биринчи босқичининг катта ғалабасидир, ана шу кенг қўламдаги ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, демократиялашнинг тобора чуқурлашиб бораётган жараёни, мамлакатдаги ишларнинг аҳволи учун меҳнаткашларнинг масъулияти ўсиб бораётганлиги биринчи босқичга хосдир. Буларнинг ҳаммасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш талаб этилади. Халқ партиянинг қайта қуриш йўлини тобора қўллаб, қувватлаётганлиги бош сиёсий якундир. Жамиятнинг қайта қуриш ғоялари атрофига жипслашуви жараёни бормоқда. Жўнгина митинглар ва шиорлар даражасида эмас, балки иш устида, моҳият эътибори билан жипслашиш жараёни бормоқда.

Умуман биз Марказий Комитетнинг январь Пленумида социалистик демократияни ривожлантиришдек тўғри йўлни танлаб олдик. Демократиялаш йўли билан, халқни жамиятдаги барча жараёнларга жалб этиш йўли билан қайта қуришни амалга ошириш, унга муқаррар тус бериш мумкин. Бу ўринда мен демократиялаш, ошкоралик қайта қуришнинг воситаларигина эмас, бу — социалистик тузумимиз моҳиятининг, меҳнаткашлар тузумининг ва меҳнаткашлар манфаатини кўзлайдиган тузумнинг моҳияти амалга ошувидир, деб қўшиб қўйган бўлур эдим. Бу — ўткинчи кампания эмас, балки социализмнинг моҳиятидир. Бу социализм моҳиятини буржуазия демократиясидан ажратиб туради, буржуазия демократияси эса ўзининг ҳийла-найранглари билан озодлик, ошкораликнинг ташқи тусинигина вужудга келтириб, халқни реал сиёсий ҳокимиятдан четга суриб қўйиб, Ленин ибораси билан айтганда, сайлов кампанияси вақтида ким халқни навбатдаги муддат мобайнида лақиллатиб юришини ҳал этиш имкониятинигина беради.

Биз социалистик демократия воситасида халқни бошқарувнинг барча жараёнларига жалб этишни истаймиз. Бизни буржуазия либерализмига тортиб, унинг «қадрият»ларини «инъом этишмоқчи» бўлишар экан, энди бу — орқага кетишдир, орқага ҳаракат қилишдир.

Биз ўз йўлимизни танлаб олганмиз ва 1917 йилда очган йўлимиздан бораверамиз. Биз тузумимиз замиридаги, социалистик демократия замиридаги барча қадриятларни намоён этиш учун чинакамига киришганмиз. Ахир бу Ленининг фикри-ку: пролетариат демократия орқали социализмга ҳозирлик кўради ва революциядан кейин фақат кенгайиб бораётган демократия орқали жамиятни бошқариш мумкин. Шунинг учун ҳам яна бир карра январь Пленумини хушнудлик билан эслайлик: бу анжуман жамиятимизни кенг демократиялаш зарурлигини тушуниб олиш сабоғи бўлди. Демак, бу Пленумни тайёрлашда биз коллектив бўлиб бекорга биргаликда меҳнат қилмаган эканмиз. Унинг қарорлари, ҳужжатлари замиридаги барча ғоялар — бу партиянинг коллектив тажрибаси, илмий ва бадиий зиёлиларимиз, жамият барча қатламлари фикр ва таклифларининг мужассамидир.

Биз ўзлаштириб олишимиз лозим бўлган ўтган йилдаги яна бир муҳим сабоқ қуйидагичадир. Биз сиёсий партиянинг ленинча концепциясига эътиқод қўйганмиз. Ленин ибораси билан айтганимизда, бу — жамиятнинг сиёсий авангарди ролини бажараётган янги типдаги партиядир. Барча зафарларимиз ва талафотларимиз акс этган мамлакатимизнинг ўтмиш тарихи буни кўрсатиб турибди. Бугунги ҳаёт бизда шунга тобора кўпроқ ишонч ҳосил қиладики, мамлакатдаги энг яхши кучларни мафкуравий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштиришга қодир бўлган жамиятда содир бўлаётган, жараёнларни идрок эта оладиган, ана шу илмий таҳлилнинг натижаларини рўёбга чиқара оладиган сиёсий авангардсиз, яъни Коммунистик партиясиз ҳеч қандай ўзгартишларни рўёбга чиқариш мумкин эмас.

Аммо партия жамиятда содир бўлаётган жараёнлардан орқада қолмаслиги керак. Биз ўтган йили кўп жиҳатдан бунга ўрганиб олдик. Биз орқада қолаётган жабҳаларда кейинчалик жамиятни ташвишга солган кўп нарсалар пайдо бўлди. Биз бундан сабоқ ва хулосалар чиқариб олмоқдамиз. Сиёсий раҳбарлик ва ҳукумат даражасидагина эмас, шу билан бирга республикаларда, областларда, меҳнат коллективларида ҳам сабоқ ва хулосалар чиқариб олмоқдамиз. Гарчи барча партия ташкилотларида ана шундай йўл тутилмоқда, деб ҳозирча айта олмасак ҳам, бу жуда муҳимдир.

Хўш, ўртоқлар, қайта қуришнинг сабоқлари ҳақида яна нималарни айтиш мумкин? Турғунлик йилларида жамиятда турли-туман салбий ҳоллар: тайёрга айёрлик, текисчилик, маҳкамачилик, қонунга хилоф ишлар ва бошқа иллатлар нақадар авж олиб кетганлигини, эҳтимолки, биз илгари тўла тасаввур қилмагандирмиз. Соғломлаштириш учун курашни, жиноий фаолиятнинг пайини қатъият билан қирқиш, жамиятни маънавий мажруҳлардан тозалаш учун курашни биз кескин ва изчил олиб бормоқдамиз ва шундай қилаверамиз. Аммо биз жамиятимизни чўлғаб олган бошқа салбий ҳолларнинг миқёсига тўлалигича етарли баҳо бермаган эканмиз.

Текисчиликни, тайёрга айёрликни олайлик. Иш шунгача бориб етдики, бирон-бир жойда нимаики, — қурилиш материалими, кўмирми ёки кундалик турмушда зарур бўладиган бошқа нарсами, етишмай қолгудек бўлса, барча илтимослар маркази — Марказий Комитет ва ҳукуматга юбориладиган бўлиб қолди. Аҳолиси қарийб 300 миллион кишига етиб қолган ва жойларда бошқарувнинг катта аппарати мавжуд бўлган улкан мамлакатда жуда кўп, ҳатто оддий масалалар бўйича ҳам, бу ерда, Москвада қарорлар чиқаришга тўғри келмоқда. Биз эндиликда ўзини оқламаган марказлаштиришдек турғунлик «самара»ларини кўриб турибмиз!

Бунинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Бизда социал адолатни тушуниш муайян даражада оқсаб қолди. Бу матбуотда эълон қилинаётган мақолалардан ҳам сезилиб қолган эди. Матбуотимиздаги айрим органлар қўллаб-қувватлаётган тасаввурлар амалга ошириладиган бўлса, қўлга катта дазмол олиб бутун жамиятни «текислаб» чиқиш керак. Истеъдодли одамнинг ҳам, истеъдодсиз кишининг ҳам, ҳалол ишчи ва дангасанинг ҳам, виждонан ишлаётган одам ва ўғрининг ҳам «насибаси» бир хил бўлиши керак экан. Тассуфки, ҳозирги вақтда қуйидаги кайфият кенг тарқалган: бу — ўн баравар, ҳатто юз баравар кам ишлаб ва ҳатто ҳеч нарса қилмай, аммо айни пайтда мамлакат тараққиётига ўз меҳнати билан катта ҳисса қўшаётган одамлар қатори барча неъматлардан баб-баравар фойдаланиш кайфиятидир.

Сатирикларимиз бу вазиятни моҳирлик билан образли илғаб олдилар: «мен яхши квартирада яшашни истайман, мен навбат кутиш бўлмаслигини истайман, мен автобусда туриб кетмасликларини, тугмачаларимни узиб кетмасликларини истайман, мен ҳамма истакларим рўёбга чиқиб, барча неъматлардан баҳраманд бўлишни истайман; аммо мен истамайдиган бир нарса бор, у ҳам бўлса истакларимга эришиш йўлида бирон-бир иш қилишдир».

Биз кадрларимизни, раҳбар органларимизни танқид қилаётган эканмиз, бу тўғри, буни давом эттириш ва танқид савиясини туширмаслик керак. Аммо меҳнат коллективларида ҳам кўп муаммолар тўпланиб қолди. Биз бутун жамият социалистик қадриятларимизни чуқурроқ тушуниб олишига эришишимиз керак. Агар текисчилик, истеъмолчилик, тайёрга айёрлик ва бошқа иллатлар сақланиб қолар экан, ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, бошқа соҳаларда ҳам қайта қуриш жараёнини олға силжита олмаймиз.

Биз социализмнинг: «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» принципига асосланиб яшашимиз ва ишлашимиз керак. Бизда инсон социал жиҳатдан юксак даражада муҳофаза этилган. Ана шунинг ўзи социализмни алоҳида ажратиб турибди. Биз бепул таълим олишга, текин медицина хизматига, меҳнат қилиш ҳуқуқига, иш билан таъминланиш кафолатига, ҳали ўткир проблема бўлиб турган бўлса ҳам уй-жойларимизга эгамиз. Социализм ҳар бир кишини ҳимоя қилади, аммо жамиятга ҳар бир киши қандай ҳисса қўшмоқда? Худди мана шуни ҳамма пухта ўйлаб кўриши керак. Яқинда матбуотда баъзи колхозларда сут соғувчилар ҳар бир сигирдан йилига бор-йўғи икки минг килограмм сут соғиб олиб, ойига 600 сўмдан маош олаётганликлари хабар қилинди. Меҳнатга қараб ҳақ тўлашни жорий этишга уриниб кўришганда эса улар буни ўз манфаатларига зарба, деб баҳоладилар. Ахир улар шу вақтгача олиб келган иш ҳақи қилган ишига яраша эмас эди-ку. Бу маош давлат дотацияси ҳисобига, яъни жамиятнинг бошқа аъзолари ҳисобига тўлаб келинган. Бу бир мисол.

Аммо бошқачароқ мисоллар ҳам бор. Оила пудратида, коллектив, бригада пудратида қобилиятли, ҳалол, ғайратли кишилар, масалан, интенсив меҳнат коллективларидаги сибирликлар ҳар бир киши ҳисобига мамлакатдаги кўпгина хўжаликлардагига нисбатан 8—10 баравар зиёдроқ маҳсулот етиштирмоқдалар. Табийки, уларнинг иш ҳақи ҳам ортиб бормоқда. Бунга дарров эътибор беришяпти, турли комиссияларни юборишяпти. Хўш, шунча пулни нима қилишади? —дейишмоқда. Нега масала шу тарзда қўйиляпти? Ахир улар бу пулларнинг ҳаммасини ишлаб топишган-ку. Бунинг устига улар меҳнатининг пировард натижаси кўп марта ошмоқда, иш ҳақи эса бор-йўғи бир ярим-икки баравар кўпаймоқда. Бу — жамият учун ғалабадир. Қани ҳамма жойда ҳам шундай бўлса! Бизда эса баъзи бировлар: бу хусусий мулкчилик психологияси авж олиб кетишига олиб боради, деб чўчимоқдалар.

Масалани бу тарзда қўйишни асосли, деб бўладими? Одам жамоат ерида, колхоз правлениеси ёки совхоз дирекцияси билан шартнома тузиб, ўзи учун ажратилган моддий ресурслардан фойдаланиб ишламоқда. Бу ишларнинг ҳаммасини зўр масъулият ва истеъдод билан бажармоқда. Қандай қилиб шундай одамни хусусий мулкка берилган киши, деб ҳисоблаш мумкин? Юқорида айтиб ўтилган ҳолатда социал адолат ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Нима учун бизда ҳалол пул топган киши баъзан ўзи хоҳлаган уйни қура олмайди, кооператив квартирани сотиб ололмайди ёки ўз иш ҳақини бошқача тарзда тасарруф эта олмайди? Шу ҳақда ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Бу ҳолда ҳам социализм принципи бузилмоқда. Яхши меҳнатчи ва унинг оиласи ҳалол ишлаб топилган пул яхши яшашга имкон беришини сезиб туриши керак.

Қайта қуриш фақат моддий соҳадаги манфаатларгагина дахлли эмас, у маънавий, маданият соҳаларини ҳам ўз ичига олади. Ўтмишдаги, ҳозирги ва келгусидаги йўлимизни идрок қилиш фаол давом этмоқда. Бу жараён ҳам енгил кўчаётгани йўқ. Ўтмиш тарихимиз ҳақида мунозаралар бормоқда, тарихнинг у ёки бу босқичлари танқидий таҳлил этилмоқда.

Бу эса халқимиз Октябрдан кейин эришган ютуқларини чуқурроқ англаб етишга ёрдам бермоқда. Айни пайтда тарихимизнинг оғир даврларини ҳақиқат позициясидан тўғри баҳолашга имкон бермоқда. Биз ошкоралик шароитида, қилган ишларимизни уддалай олганларимизни, эришган ютуқларимизни ва йўл қўйган хатоларимизни муттасил танқидий таҳлил этиш шароитида яшашни ўрганиб олишимиз керак.

Ошкоралик ва танқид оммани назорат қилиш, жамиятнинг барча жараёнларини назорат қилиш усулидир. Бу тажрибаларни умумлаштириш, жамиятдаги асосий тенденцияларни пайқаб олиш, хаталардан огоҳ қилиш усули ҳамдир. Бу нормал ҳол бўлиб, танқидий эътирозлар билдирилаётган пайтда ҳеч ким саросимага тушмаслиги лозим .

Келинглар, танқидга яхши муносабатда бўлайлик, келинглар, бир-биримизни ҳурмат қилайлик, айниқса ёрлиқ илиб қўймайлик. Ҳозир эса баъзан мақолаларда, журналларда танқидни группаларнинг кайфияти белгилаб бермоқда. Бу нарса сезилиб турибди. Бутун эътиборни умумий ишларимиз ҳақидаги, одамлар тўғрисидаги ғамхўрликка қаратиш керак.

Тўғри, ҳозир ҳамма: мамлакат тўғрисида, халқ ҳақида, унинг бадиий ва маданий тарбияси ҳақида жон куйдиряпмиз, демоқда. Лекин буни баҳона қилиб, баъзан ҳар қандай хусусий манфаатларни, шахсий нафсониятларни ўтказишга уринмоқдалар. Бундан қочиш керак. Келинглар, ҳеч кимни агар илгари қандайдир босқичда эскирган қарашларга амал қилиб келган бўлса ҳам, ўз позициясини баён қилиб бериш ҳуқуқидан маҳрум этмайлик. Башарти, у ҳозир ана шундай эски қарашларни онгли равишда ва ҳалол бартараф этаётган экан, қайта қуришнинг фаол иштирокчилари сафига ўтаётган экан, ани итариб ташлаш, умумий ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш имкониятидан маҳрум этиш керакми, ахир?

Шахсий туйғулар ва кайфиятлардан устун туриш ҳамда қайта қуриш манфаатларини биринчи ўринга қўйиш лозим. Баъзан ўз оппонентларини «қуйдириб ташлаш» учун қандай сўзларни қидириб топишади-я! Сўз қудратли кучдир, аммо ундан фойдаланишда принципиалликка путур етказмаслик керак. Бизни бошқа томонга тортаётганлар, четга буриб, бошқа йўлга солиб юборишни истаётганлар, «қайта қуриш гулхани»га бутунлай бошқа ёнилғи ташлашни истаётган кишилар билиб қўйишсин —бу ишингиз ўтмайди. Марказий Комитет ленинча позицияларда қатъий турав еради, социалистик демократия потенциалларини намоён этиш, социалистик қадриятлар негизида қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш учун ҳамма ишни қилаверади.

Бизда ҳеч ким контролдан ҳоли бўла олмайди. Нима, биз партиядаги йиллаб контролдан, танқиддан қоли турган шахслардан, «территориялардан» энди қутулдиг-у, бунга яна қайтамизми? Бу оммавий ахборот воситаларига ҳам тааллуқлидир. Совет матбуоти — хусусий дўкон эмас. Ленининг гапларини яна бир бор эслайлик: Адабиёт — умумпартиявий ишнинг бир қисмидир. Бу принципиал қоида бўлиб, биз ҳозир ҳам шу қоидага амал қиламиз. Бу Ленин ғояларидан чекинмаймиз. Зиёлиларимиз ва адабиётимиз ҳамиша Ватанга, ўз халқига хизмат қилиш билан ажралиб турган.

Редакторлар масъулиятни сезишлари лозим. Мен бирор кишининг номини шахсан келтирмоқчи эмасман, сиз билан биз дўстона гаплашяпмиз. Лекин эслаб қолиш керак: журнал, нашриёт, газета — бировларнинг шахсий иши эмас, бу умумпартиявий, умухалқ ишидир. Сиз билан биз ҳам—ҳаммамиз халққа хизмат қиламиз.

Халқимиз эса қайта қуриш тарафдоридир. Шундай экан, келинглар, халқ билан биргаликда қайта қуриш, социалистик демократияни ривожлантиришга қаратилган йўлимиздан борайлик. Қадриятларимизни биргаликда қарор топтирайлик, жамиятни соғломлаштириш учун курашайлик.

Мен бу ҳақда гапирганимда айни пайтда қайта ва қайта таъкидлайман: Биз ҳеч қандай писандасиз, ҳеч қандай чеклашларсиз ошкоралик тарафдоримиз. Аммо социализм манфаатлари йўлидаги ошкоралик тарафдоримиз. Ошкоралик, танқид, демократиянинг чегараси борми, деган саволга биз қатъий жавоб берамиз: агар ошкоралик, танқид, демократия социализм манфаатларини, халқ манфаатларини кўзлар экан — улар ҳад-ҳудудсиздир!

Мана бизнинг мезонимиз. Бу йўлда бизга ўзгаларнинг андозаси керак эмас. Сиёсат соҳасида ҳам, маънавий соҳада ҳам, экономика соҳасида ҳам ўзгаларнинг андозаси керак эмас.

Демократия масалаларида ҳеч ким биз каби узоқни кўзлай олмайди. Чунки бу социалистик тузумнинг моҳиятидир. Биз ҳамма соҳаларда, шу жумладан экономикада социалистик демократизмни кенгайтиряпмиз. Ғарбда қаерда директорларни, бригадирларни сайлаб қўйишади, қаерда меҳнат коллективлари планларни тасдиқлайди? Ҳеч қаерда бундай қилинмайди. Шунинг ўзи бизнинг демократиямиз, социалистик демократия-ку, ахир.

Биз партияда ҳам демократиялаш жараёнини ривожлантираверамиз. Партия комитетларида ҳисобот кампаниясини нақадар асосли равишда ўтказаётганлигимизни кўраётган бўлсангиз керак. Иш яхшиланиш томон ўзгармоқда, бу соҳада жуда кўп турғунлик ва пассивлик тўпланиб қолганига қарамай, жуда жиддий равишда ўзгармоқда. Аммо турғунлик ва пассивликнинг тўпланиб қолишига, ўртоқлар, оддий коммунистлар айбдор эмас. Чунки биз жуда кўп сайлаб қўйиладиган партия органларимиз қандай ишлаганлигини биламиз-ку, ахир. Сайлаб қўйиладиган органларнинг роли ўзимиз ўйлаганча, КПСС Уставида таърифлаганича бўлиши учун биз ҳали ҳамма ишни қилганимиз йўқ. Ҳали ҳаммаси олдинда. Агар бу жараёнлар партияда ўтмаса, жамиятда ҳам ўтмайди.

Биз Советларнинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш учун янгича ёндашувларни излайверамиз. Ўртоқлар, бу ўринда нима дейиш мумкин, кўп ҳолларда партия органлари Советларнинг кўпгина функцияларини ўз зиммасига олган. Оқибатда нима бўляпти? Шу муносабат билан партиянинг ўзи ҳам қолоқликка йўл қўйди, кўпгина масалаларни сезмай қолди.

Эндиликда партия иқтисодий ислоҳот ва демократиялашнинг янги шароитида сиёсий авангард вазифасини чинакамига бажариши мумкин. Назария, идеология жиҳатдан таъминлаш масалалари, кадрлар ва миллий сиёсат, халқаро муносабатлар масалалари партия фаолияти учун улкан майдондир.

Биз XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига жуда пухта тайёргарлик кўряпмиз. Конференцияни ўтказиш концепциясини ишлаб чиқяпмиз. Совет жамиятида демократиялаш масалалари энг асосий, марказий масала бўлишини ҳозироқ кўриб турибмиз. Бунда биз ҳамма нарсани, шу жумладан сайлов системасини, суд — ҳуқуқий ислоҳотни, мамлакатдаги контрол органларни такомиллаштиришни ва шу кабиларни қамраб оламиз.

Оммавий ахборот воситалари бу соҳада ўз сўзларини айтишлари керак. Қайта қуриш қандай бормоқда, у нималарга ўргатмоқда, партия сиёсати учун қандай хулосалар чиқариб олиш, қандай ўзгартишлар киритиш керак? Ишончим комилки, кўпгина таклифлар тушади.

Энди хўжалик ислоҳоти, хўжалик ҳисобига ўтиш масалаларига тўхтаб ўтайлик. Ўртоқлар, бу соҳада сизнинг эътиборингизни нималарга қаратишни истаймиз? Энг аввало бошланган жараёнларнинг мураккаблиги ва муҳимлигига қаратишни истаймиз. Биз ислоҳотга қадар ишлаб чиқилган беш йиллик шароитида туб ислоҳотни амалга ошириш юзасидан дастлабки қадамларни қўймоқдамиз. Зотан биз беш йилликка путур етказмайдиган қилиб ҳаракат қилишга урияпмиз. Турли корхоналар ишнинг бошланиши чоғида турлича хўжалик ва социал шароитга тушиб қолди. Бунда манзара жуда хилма-хил, ишни бошлаш шароитлари ҳам хилма-хил. Бировлар реконструкцияни тугаллашди, ўз янги фондлари мавжуд, улар ишга тайёрлар ва муваффақиятли ишлай оладилар, бошқалар учун эса куч ва вақт талаб қиладиган чуқур реконструкция эндигина бошланмоқда. Бу ишларнинг ҳаммасини айни пайтда корхона ишини хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш билан бир вақтда бажариш лозим. Бу осон эмаслигини тушуниш мумкин.

Матбуотда баъзан авж олиб кетган ислоҳот шароитида корхона коллективлари фаолиятини ёритишга жуда енгилтаклик билан ёндашмоқдалар. Шуни кўзда тутиш керакки, биз мавжуд даврда бир вақтнинг ўзида эски формалар ҳам, хўжалик ҳисобининг янги методлари ҳам амал қилишига онгли равишда йўл қўйдик.

Ёндашувнинг жамики хилма-хил кўринишларига эга бўлган ўтиш босқичи ана шундай. Бу босқични бошдан кечириш ва сабоқ чиқариб олиш керак. Хўжалик ҳисобига ўтиш чоғидаёқ одамлар қандай ўзгараётганлигини билиб турибмиз. Ҳолбуки, енгилтакликка йўл қўяётганлар ҳам оз эмас. Ҳозир эса улар давлат қабули жорий этилган вақтда бўлгани каби қийинчиликларга дуч кела бошлайдилар. Шунга қарамай, жараён бошланди, одамлар қайтадан ўқимоқдалар, бошқаришга қўшилмоқдалар. Ислоҳот ҳозирнинг ўзидаёқ маҳсулотнинг қарийб 60 процентини етказиб бераётган корхоналарни қамраб олди. Уларда миллионлаб кишилар ишламоқда.

Тажрибага эга бўлишимиз ва сабоқ олишимиз учун ҳам биз ислоҳот тобора авж олиб боришини хоҳлаймиз. Келгуси беш йилликка тўла тайёр ҳолда боришни истаймиз. Шу боисдан вазифани қўйидаги тарзда қўйиш мумкин: изланиш, ислоҳотга мос келмайдиган ҳамма нарсани ишонтирарли танқид қилиш зарур, фанда ҳам, турмушда ҳам шундай қилиш керак. Одамлар бизни қўллаб-қувватлайдилар, айни шундай ҳаракат қилиш, янги методларни ўзлаштириш лозимлигини улар тушунадилар.

Биз нимадан қўрқяпмиз, нимага алоҳида эътибор беришимиз керак? Хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш қийинчиликларини енгиллаштириш учун биз баъзи резервларни вужудга келтирдик, башарти корхона дастлабки даврда қийин аҳволга тушиб қолса, ишни янгича йўлга қўйиш учун вақт зарур бўлиб қолса, унинг бўғилиб қолишига йўл қўймайдилар. Кредит беришади, қарзини тўлашда ёрдам қилишади. Пул беҳуда сарфланмаслигини контрол қиламиз, албатта. Ислоҳот ҳужжатларини барча тармоқ касаба союзлари ишлаб чиқишган ва қўллаб-қувватлашган. Шуни ҳам айтиш керакки, юзлаб меҳнат коллективларида бу ҳужжатлар муҳокама қилинган. Хуллас, ислоҳот ҳужжатлари, унинг принциплари тўла ишонч ва ҳурматга лойиқдир. У ёки бу мақолада юз бераётган воқеалардан қуйиниш сезилмаслигига йўл қўйиб бўлмайди. Баъзан корхона, инсон тақдирини осонликча, ҳатто чапанилик билан ҳал қилиб қўйишмоқда. Бундай қилиш мумкин эмас!

Келинг, очиқ-ойдин гаплашиб олайлик: қайта қуришнинг иқтисодий сиёсатини шакллантиришнинг ўзига икки йил вақт кетди. Ўй-режаларимизни амалга оширишу учун эса ҳар куни сабр-бардош билан жуда катта ташкилотчилик ишларини олиб бориш зарур бўлади. Чекинишлар ҳам бўлса керак.

Ҳозир ошкоралик демократик ёндашувларни, бошқаришнинг иқтисодий методларини жорий этишга ёрдам бериши лозим. Ҳамма янгиликларни — янги тажрибани, янги ютуқларни қидириб топиш ва қўллаб-қувватлаш, айниқса, муҳимдир. Бунда зўр билимдонлик талаб қилинади. Олимларни бу ишга кенгроқ жалб этинг, фақат гапга чечанларни жалб этаверманг. Билимдонлик, асосийлик, реал ҳаёт муаммоларини ҳал этишга ёрдам берадиган ҳамма нарсалар муҳимдир. Олдимизда ғоят масъулиятли босқич турибди. Қайта қуриш қаерга олиб боришини икки-уч йил ҳал қилиб беради. Икки-уч йил! Шу сабабдан ҳам ҳозир жамиятимизда юз бераётган жараёнларга алоҳида эътибор билан қараш лозим.

Ҳамма нарсани олдиндан кўра билиш мумкин, деб тахмин қилишнинг ўзи ҳам қийин. Ўтмишдан хулоса чиқариб олиш, вазиятни яхшилик томон ўзгартириш керак. Изланувчан, ишчан халқимиз, қайта қуришни, деб таваккал қилаётган халқимиз ҳеч чўчимай, янги ёндашувларни излаши, тафаккурни ҳам, амалий ҳаракатни ҳам жадаллаштириши учун вазиятни яхшилик сари ўзгартириш лозим.

Матбуотда ҳам ана шу кишиларни кўра билиш ва қўллаб-қувватлаш керак. Қайта қуришни олға силжитаётган кишилар томонида бўлиш керак. Жамиятимизни янгиланиш йўлидан ҳаракатга келтираётган одамлар томонида туриш керак. Бунда позициялар аниқ ва равшан бўлиши лозим.

Биз инсон жамиятимизда яхши нафас олсин, унинг қадр-қиммати ҳурмат қилинсин, деб, турмуш шароитлари ҳам яхшиласин, деб, бутун мамлакат янгиланиш йўлидан борсин, деб қайта қуриш сиёсатини ўтказаяпмиз.

Сиз ҳаммангиз ўзингизни дадил ҳис этишингиздан, тўла самара билан иш кўришингиздан партия жуда манфаатдордир, ўртоқлар. Жамият бундан жуда манфаатдордир. Сизларнинг позициянгиз, сизларнинг тушунчангиз оммавий ахборот воситалари орқали, халқ билан мулоқот орқали мужассамлашиб, бизнинг сиёсатимизни қудратли равишда мустаҳкамлайди. Шу сабабли биз сизларнинг бунёдкорлик ишингиздан биринчи босқичга нисбатан ҳам кўпроқ манфаатдормиз. Бу эса ошкораликни ҳам, ўткир танқидни ҳам ўз ичига олади. Матбуотимиз қайта қуриш учун курашаётган кишиларни фаол ҳимоя қилиши айниқса муҳимдир.

Яқинда партия, ҳукумат раҳбарлари машинасозлик кўргазмасида бўлдилар. Ўртоқ А. И. Чабанов директор бўлган заводда ясалган станокларни ҳам бизга кўрсатишди, бу кишини ўз вақтида партия Марказий Комитети билан матбуотимиз ҳимоя қилган эди. Ўртоқларнинг эсларида бўлса, мен ҳам бу хусусда гапирган эдим. Инсонни омон сақлаб қолдик. Энди унинг станокларини мақтамоқдалар, уни олиш учун навбат кутиб турибдилар. Аммо, ўтмишда нима бўлганини биласизми? Бу кищи янгича иш тутиб, эски режаларни ўзгартирди, эски инструкцияларни бир чеккага суриб қўйди, ҳасадгўйлар топилиб қолишди, унинг теварагида шундай машмаша уюштиришдики, унинг шунча гуноҳларини топишдики, гўё у бу ишда ҳам, у ишда ҳам хато қилгандек кўрсатишди. Агар биз унинг ёнини олмаганимизда, эҳтимол, уни яксон қилган бўлур эдилар. Қайта қуришнинг фаол ишбошчиси бўлган, баъзан ташаббуси, янгича ёндашувлари учун камситишаётган ҳар бир киши учун пировардигача курашмоқ керак, ўртоқлар. Ҳар бир киши учун курашиш лозим, бутунбутун коллективлар учун курашилиши эса турган гап.

Яқинда известиячилар бир хўжаликни кўрсатишди, у ердаги колхозчиларнинг учдан бир қисми колхоз йиғилишини ўтказишга, колхозни ривожлантиришнинг ҳаётий муҳим проблемаларини муҳокама қилишга эриша олмаган экан. У ерда одамларнинг ташаббусини бўғиш, уларнинг ўз ҳуқуқидан фойдаланишларига халақит бериш учун райком ҳам, ижроком ҳам алоқаси бўлган ва бўлмаган ҳамма ишга киришган экан. Мана шунда газета колхозчиларнинг ёнини олиб тўғри қилди. Тез орада йиғилиш ўтказилди, одамларнинг таклифлари қўллаб-қувватланди. Улар ҳақ эдилар.

Бунинг қизиқ жойи нима денг? Бу колхозда можаро ташаббускорлари раҳбарларни кескин танқид қилдилар, масалаларни ўткир қилиб қўйдилар, аммо уларнинг биронтаси ишлаб чиқаришни тарк этмади, ҳаммаси яхши ишлади. Уларнинг кўплари — колхознинг илғор кишиларидир. Уларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг руҳини мустаҳкамлаш керак эди-ку, ахир. Биз демократик муҳитни одат тусига киритишимиз, тўхтаб қолмаслигимиз керак. Аммо масъулиятни ҳам бўшаштирмаслик лозим!

Баъзан мен: бепоён мамлакатимизда салкам 300 миллион киши иштирокида нақадар мураккаб воқеалар рўй бераётгани ҳақида ўйлайман! Буюк даврда яшаб турибмиз! Башарти, биз бошлаган жараёнларни тўхтатиб қўйсак, улардан чўчисак, бу нарса жуда таҳликали оқибатларни келтириб чиқарган бўлур эди, чунки биз халқимизни иккинчи марта бундай миқёсдаги ишга отлантира олмаймиз. Ваҳолонки, ҳозир ҳам баъзи кишилар рўй бераётган воқеаларни фақат томоша қилиб турибдилар. Гарчи улар жон-дилидан қайта қуриш тарафдори бўлсалар ҳам, бироқ ўз ишлари, ҳаракатлари билан сиёсий жиҳатдан ҳамон қайта қуришга қўшилганлари йўқ.

Ҳозир ҳаммамиз учун зўриқиш даври бўлишини сезиб турибмиз. Шу зўриқишни зиммага олиш керак, ўртоқлар! Партия буни ўз зиммасига олади, сизлар ҳам зиммангизга олинглар. Айни шундай бўлишига аминман. Ҳар бир киши бу ишга шунчаки иштиёқбозлик билан эмас, балки халқ иштиёқи билан киришмоғи керак. Бу нарса қурашнинг ўткирлигини пасайтирмайди, ошкораликни, демократияни торайтирмайди. Шу йўлдан бораверши керак, янгиланиш, демократиялаш жараёнини, социализмнинг инсонпарварлик моҳияти тобора тўла-тўкис намоён бўлиши ҳолатини чуқурлаштириш ва муқаррар тус олдириш, жамиятимизнинг доимий ҳолатига айлантириш лозим.

Ошкоралик ва принципиаллик руҳида мунозара бошланди. «Москва» журналининг бош редактори **М. Н. Алексеев** биринчи бўлиб сўз олди. У ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Совет — Америка Шартномаси имзоланганини ўтган йил охиридаги энг буюк воқеалардан бири деб таърифлади. Бу муҳим психологик аҳамиятга эга бўлган тарихий қадам бўлди. Инсоният ядро даҳшати ёқасига яқинлашиб қолган эди, у бамисоли бир силкиниб, орқага, соғлом фикрга қайтди. Атом уруши

ДЕМОКРАТИЯЛАШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МОҲИЯТИ, СОЦИАЛИЗМНИНГ МОҲИЯТИДИР

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Яна бир гап. Октябрнинг 70 йиллиги тўғрисидаги доклад жуда кўп эшик ва дарвозаларни очди, жуда кўп аниқ кўрсаткичлар қўйди. Биз одамларнинг тақдирини, ўз ишимизнинг йўналишини тушуниб олдик. Мамлакатимиз бунёдкорларининг энг мураккаб таржиман ҳолларини, тақдирларини ўрганувчи комиссия тузилди. Бу комиссия ишининг нақадар муҳимлиги ва нечоғлик мураккаблигини англаб, редакторлардан бири сифатида, асосли, деб топилган ҳолларда реабилитация зудлик билан ўтказилишини истардим. Биз «Огонёк»да ўтмишдаги арбобларга тааллуқли материалларни қанчалик кўп босмайлик, нуқул партия органларининг ҳуқуқ доирасига тааллуқли жиҳатларни тилга олмасликка интиляпмиз. Мен бу масалага чуқур тўхталмоқчи эмасман. Бироқ бу масаланинг муҳимлигини ва келаётган хатларда ҳам, журналнинг барча учрашувларида ҳам шу масалага жуда қизиқиб қаралаётганини, бу мавзуда минглаб, ҳа минглаб, хатлар келаётганини эътиборга олиб, шу хусусда гапириб ўтиш истагим зўр эди. Партия шу қадар юксак ва ҳалоллик билан кўтариб чиққан ташаббус худди шундай қатъият, худди шундай принципиаллик билан ривожлантирилишини истаймиз.

«Новий мир» журналининг бош редактори **С. П. Залигин** ижтимоий ва маданий турмушнинг энг муҳим йўналишлари хусусида мунозаралар ўтказиш фойдали эканлиги ҳақида гапирди. Шимолий дарёлар сувини жанубга оқизиш лойиҳасининг тақдири бунга ёрқин мисолдир. Бу — бизнинг ижтимоий онглилигимиз учун, зиёлиларнинг, аҳоли барча қатламларининг активлиги учун имтиҳон бўлди.

М. С. Горбачев. Бир ҳафта муқаддам биз шу масалалар юзасидан қарор қабул қилдик. Умуман ҳамма сувни стратегик ҳом ашё тарзида тежаш ва сувдан фойдаланишда тартиб ўрнатишга асосланган лойиҳа киритиш ҳақида топшириқ бердик. Қишлоқда ҳам, саноатда ҳам, шаҳарларда ҳам, ҳамма жойда шундай бўлиши керак. Бу жуда муҳим қарор бўлади ва у комплекс тарзда бўлиши керак.

С. П. Залигин. Сув таъминотининг таклиф этилаётган янги программасида ўзимизнинг дарёлар суви оқимини ўзгартириш тўғрисидаги қароримизни батамом рад этадиган бандлар бор.

М. С. Горбачев. Сувдан фойдаланиш программаси лойиҳасида дарёларнинг оқимини ўзгартириш ҳақида гап бормайди.

Сўнгра С. П. Залигин Байкал кўли муаммосига тўхталди, табиатнинг мана шу ноёб дурдонаси тақдири хусусида ташвишланиб гапирди. Байкал тўғрисидаги тинимсиз мунозараларни якунлаш керак, бу мунозараларнинг бирон-бир таъсирчанлиги бўлиши зарур-ку ахир. Йўқ, мен Байкал, Ладога, дарёлар оқимини ўзгартириш ишларида олға силжиётганимиз йўқ, демоқчи эмасман. Булар — мислсиз иш, ахир!

М. С. Горбачев. Каспийни, Азовни қайта тиклаяпмиз.

С. П. Залигин. 25 йил муқаддам мен Қуйи Обь ҳақида ёзган эдим. Ўшанда ёнимда атиги икки-уч кишигина бор эди. Ҳозир эса жамоатчилик бор-ку!

М. С. Горбачев. Дарҳақиқат, умуман гидростанциялар концепцияси ерларни сув бостириш йўли билан ишлаб чиқилган эди. 10—12 миллион гектар энг яхши ерлар сув остида қолди! Бу ерлар чорвачилик базаси эди. Энди бўлса худди шундай ерларни ўзлаштириш ва уларда ем-хашак етиштириш учун мелиорация ўтказаяпмиз.

С. П. Залигин. Модомики, шу мавзуда гап очилган экан, ҳозир бизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш комитети тузилмоқда. Бу ишга эътибор ва сезгирлик билан ёндашиш жуда муҳим бўлур эди, чунки шу пайтгача мазкур соҳада иш кўриб келаётган министрликлар ўзларининг муҳофаза бўлимларини шу комитетга топширмоқдалар. Масалан, қанчадан-қанча номаъқулчиликлар қилган сув хўжалиги муҳофазаси бўлими комитетга ўтади. Биз ундан нимани кута оламиз?

М. С. Горбачев. Биз бу масалани муҳокама қилганимизда масала шу тарзда қўйилди: комитет қандай бўлади — хўжаликлар биланми ёки хўжаликларсизми? Ҳамма ўз фикрини айтди, сизнинг фикрингизни бизга етказишди. Унинг ҳеч қандай хўжалиги бўлмаслиги керак. У мустақил бўлиши, у фақат назорат қилиб туриши, унинг штатлардан ташқари кўпдан-кўп экспертлари бўлиши, бу олижаноб ишга жамоат арбобларини, яъни табиатни муҳофаза қилишдан ташвишланаётган барча кишиларни жалб этиши лозим.

С. П. Залигин. Кеча сенатор Брэдли бизнинг редакциямизда бўлди. У АҚШда сув хўжалиги министрлиги ишини назорат қилади. Биз у билан суҳбатлашдик, у менга: бу министрликларни қўя беринг, дунёда уларнинг ҳаммаси бир хил, чунки биз шу пайтгача табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнини тартибга солишни ўрганиб олганимиз йўқ деб айтди.

С. П. Залигин КПСС Марказий Комитетининг ижодий союзлар ишига тааллуқли қарори суст бажарилаётганлиги ҳақида ҳам гапирди. Нотиқнинг фикрича, бунинг учун аввало шу союзларнинг ўзлари айбдор.

«Знамя» журналининг бош редактори **Г. Я. Бакланов** мамлакатдаги туб ўзгартишлар даври чинакам эл-юрт тақдирига тааллуқли иш эканини уқтириб ўтди. Иш натижасидаги чарчоқ ўтса, байрам бўлур эди-я, аммо натижасиз ишдан, одамлар неча йил ва ўн йилликлар давомида қилган ўз ишининг натижаларини кўрмасликни истаётган чарчоқ пайдо бўлмоқда. Бунда матбуотнинг ҳам айби борлиги кўриниб турибди. Жуда кўп гап айтилган бўлса ҳам, аммо, ёки биз орқага қараб кетамиз, ё бўлмаса дунёни ўзига эргаштириб борувчи буюк мамлакат бўлиб қоламиз, бундан бошқа йўл йўқ, сўнггги имконият мана шундан иборат, деган фикрни одамлар тушуниб оладиган асосий сўз мана энди айтилди.

М. С. Горбачев. Тўхтаб қолиш биз учун ҳалокатлидир. Ҳар қандай шароитда ҳам бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Г. Я. Бакланов. Шу ҳалокатни кўплар кутишмоқда. Аммо шуниси борки, одамлар қайта қуриш тарафдори бўлсалар ҳам, аммо бундан нима чиқаркин, деб кўп киши ҳали ҳам шунчаки кутиб турибди. Агар уруш вақтида шунча одам кутиб турганида, биз ғалаба қозонмаган бўлар эдик. Ҳамма яхшироқ ҳаракатга келиши керак. Мана шу соҳада матбуот ҳозир рўй бераётган янгиликларни, ижтисодий, сиёсий жиҳатларни, истиқболларни чуқур, дадил таҳлил этиши лозим, деб ўйлайман. Шундай таҳлил этиш керакки, одамлар, ниҳоят, тарихий масъулиятнинг нақадар ўткирлигини тушуниб олсинлар.

Бир неча йил муқаддам, агар матбуотда бирон-бир факт маълум қилинса, тузумимизнинг негизлари ларзага келади, деб қўрқилар эди. Ҳозир ҳамма одамлар ҳамма нарса ҳақида ошкора гапирмоқда, ҳеқкиси йўқ, негизлар ларзага келмади, балки яхшироқ, эркинроқ нафас олинмоқда. Аммо ҳали эскилик сарқити кўп, ўқийдилар, муҳокама қиладилар, масаланинг қўйилишини тўғри, деб топадилару, ҳеч нарса қилмайдилар ёки ҳамма янгиликлар аста-секин тўхтаб қоладиган тарзда иш тутадилар.

Нотиқ маданият ва тарих ёдгорликларини сақлаб қолиш зарурлигини уқтириб ўтди, жумладан Лев Толстойнинг Ясная Полянадаги қўрғонини СССР Фанлар академиясига олиб бериш тўғрисидаги, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган совет ватанпарварларининг хотирасига ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш зарурлиги ҳақидаги масалани кўтарди.

Шундан кейин сўзга чиққан СССР театр арбоблари союзи правлениесининг раиси **К. Ю. Лавров** шу янги ижодий ташкилот ишининг биринчи йили ҳақида, бу ташкилот қайта қуришда, совет театри турмушини маънавий жиҳатдан янгилашда фаол қатнашаётганлиги тўғрисида гапирди. Ҳозирча унчалик кўп иш қилингани йўқ, янгиликни излаш, хатоларни бартараф этиш давом этмоқда, асарларнинг ғоявий-бадиий сифати бу ишдаги бош мезон бўлиб қолмоқда. Ижодкор зиёлиларнинг мароқли учрашувлари ўтказилмоқда. Маҳаллий театр ташкилотларига ёрдам бериш мақсадида кўп куч-ғайрат сарфланмоқда. Бу ерда ўтказилаётган тадбирларда дабдабабозликдан, бюрократик йўналишдан асар ҳам йўқ.

Менинг назаримда, деди нотиқ, ҳозир эзмалик ишимиздаги энг катта хавфдир. Гап камроқ, иш кўпроқ бўлиши керак. Бу бизга ҳам, жойлардаги маданият органларига ҳам тааллуқлидир. Жойларда кўпинча одатга кўра қайта қуриш тўғрисида юқоридан айтилган гапларни такрорлайдилару, ҳеч бир амалий иш қилмайдилар. Область ва шаҳарлардаги кўпгина театрларнинг аҳволи мушкул, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Сўзининг охирида К. Ю. Лавров совет театр ташкилотларининг чет эллардаги касбдошлар билан ижодий алоқалари ва ҳамкорлиги ҳақида гапирди.

«Известия» газетасининг бош редактори **И. Д. Лаптев** матбуотнинг ўтган йилги ишини ва газетхонлар фикрини таҳлил этишга асосланиб, ижтимоий турмушнинг энг характерли ҳодисалари ҳақида гапирди. Тўғри йўл танлаб олинганига одамларнинг ишончи тобора қарор топмоқда ва кучаймоқда. Демократия ва ошкоралик ҳақиқатан ҳам қайта қуришнинг омиллари, унинг қуроли ва воситалари эканини турмуш кўрсатди. Ўзгартишларга интилиш бўшашмади, балки янада кучайди. Айни вақтда иллатларимиз ҳақида гапиришни унчалик хоҳламаслик майллари кўрина бошлади.

1988 йил аввало оммавий ахборот воситалари учун қайта қуриш ғоялари ва практикасини ҳимоя қилиш йили бўлиб қолиши керак. Экономикани қайта қуриш соҳасида бошланган улуғвор иш муносабати билан айниқса қийин вазифаларни бажаришга тўғри келади. Зотан бу ишда имирсиламаслик, балки осойишта ва жиддий, ақлидрок билан ишлаш лозим.

Сўнгра И. Д. Лаптев ижобий тажрибани пропаганда қилиш муҳимлиги ҳақида гапириб, бу соҳада янги иш ҳақидаги, янги машиналар тўғрисидаги ҳикояни эмас, балки янги муносабатлар, меҳнатни ташкил этишнинг янги формалари, яъни тажриба технологияси қандай қарор топаётганини кўрсатиб беришни назарда тутиш керак, деди.

М. С. Горбачев. Сизлар газеталарда янгилик кураш жараёнида қандай юзага келаётганини, муаммолар қандай ҳал этилаётганини асло безамасдан яхши кўрсата бошладингиз.

И. Д. Лаптев. Ҳозир экономикадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, Давлат корхонаси тўғрисидаги қонунга риоя этиш муаммоси биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Мана шундай вазиятда одамларнинг диққат-эътиборини матбуотга қандай жалб этиш, жамият ҳозирги турмушининг юксак руҳий қизғинлигини давом эттириш муҳимдир. Аммо бу ишда олдимизда жуда катта қийинчилик турибди. Бу қийинчилик бирон нарса ҳақида шунчаки ёзиш ёки ёзмасликдан иборат эмас, балки хом хаёлларни қўллаб-қувватламаслик, айниқса шундай хом хаёлларни тарқатмасликдан, пуч қичқириққа учмаслик, шов-шувга сабаб бўладиган ғаройиботлар кетидан қувмасликдан иборат. Газетхонларнинг хатлари экономикани қайта қуриш масалалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иш ҳақи, нарх белгилаш, демократиялаш, янгича сайлов ўюштириш масалалари — айни мана шундай катта масалалар ҳозир энг қизиқарли масалалар эканини кўрсатиб турибди.

М. С. Горбачев. Бу масалалар мунозара орқали, кураш орқали кўрсатилганда қизиқарли бўлади. Газета ёки журнал — ижтимоий иш. Агар уларда фақат битта нуқтан назар баён этилса, фикрлашув бўлмаса, бунинг оқибати нима бўлади? Бир тўда иккинчисига қарши, бир группа иккинчисига қарши бўлиб қолавермайдими? Халқнинг тақдири, халқнинг ташвиш ва қувончлари теварагида бирлашмоқ керак.

Шундан кейин И. Д. Лаптев журналистлар ишининг сифатини, журналистлик маҳоратини ошириш масалаларига тўхталди. Ҳозир бу масалалар алоҳида аҳамиятга, сиёсий характерга эга бўлиб қолганлигини таъкидлади. Чунки газетада эълон қилинган бирон-бир материал миллион-миллион кишиларни ҳаракатга келтириши мумкин. Шу муносабат билан оммавий ахборот воситаларининг ўқувчиларга, томошабинларга, тингловчиларга реал таъсирини ўрганиш билан жиддий шуғулланиш зарур. Ошкораликнинг маҳаллий оммавий ахборот воситалари каби қудратли резервини чинакамига ишга солиш зарур.

Нотиқ қонунларни такомиллаштириш, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий аҳволи, уларнинг моддий базасини таъминлаш муаммоларига ҳам эътиборни қаратди.

Партия кейинги йилларда ўтказган ички ва ташқи сиёсатнинг етук проблемаларини назарий ва сиёсий жиҳатдан ишлаб чиқиш — қайта қуришнинг энг муҳим шарти ва энг муҳим жиҳатидир, деди СССР Фанлар академиясининг вице-президенти **П. Н. Федосеев.** Бу ўринда янгича фикрлашнинг ёндашувлари принципиал аҳамиятга эга бўлади. Бу ёндашувлар жамиятимизга, дунёга, тарихга марксизм-ленинизм нуқтаи-назаридан тийрак кўз билан янгича қараш-дир. Октябрь 70 йиллиги ҳужжатлари — янгича фикрлашнинг яққол мужассамидир. Бу — совет жамияти, социалистик мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар турмушининг ҳамма соҳаларига, капитализм дунёсига, жаҳон олдида турган муаммоларга ҳақиқатан ҳам янгича қараш-дир. Чунки ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатда халқит бераётган муайян аҳқидалар вужудга келган эди, Марказий Комитетнинг апрель Пленуми, XXVII съезд ва партиянинг шундан кейинги ҳужжатлари шу аҳқиларга барҳам берганлиги жуда катта ҳам халқаро, ҳам ички сиёсий аҳамиятга эгадир.

Масалан, тинч-тотув яшаш синфий курашнинг бир формаси, у капиталистик мамлакатлардаги синфий курашни ривожлантиришга кўмаклашади, деган аҳида ёйилган эди. Шу боисдан ҳам биз тинчлик ҳақида, тинч-тотув яшаш тўғрисида гапирганимизда бизга унчалик ишонишмас эди. Агар бу тинчлик, бу тинч-тотув яшаш мамлакатларимиздаги синфий курашга ёрдам берадиган бўлса, у қандай тинчлик бўлдию, қандай тинч-тотув яшаш бўлди, деб ўйлашар эди.

Бу фикрнинг КПСС XXVII съезди ҳужжатларида, партия Программасида йўқлиги ташқи сиёсатда кенг имконият яратди ва ҳамма нарса жой-жойига қўйилди, деб айтиш мумкин, албатта. Тинч-тотув яшаш — давлатлараро муносабат соҳаси бўлиб, ички ишларга аралашмасликни назарда тутади. Дарҳақиқат, биз давлатлар ўртасида тинчлик, ҳамкорлик, ўзаро алоқа тарафдоримиз, синфий кураш масалалари эса, ҳар бир мамлакатнинг ички ишидир.

Ёки бир бошқа ақида: бизнинг мамлакатимиздаги социализм шароитида ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўла-тўкис мувофиқ келади, дейилар эди. Биз ҳам бу иборани анча узоқ вақт такрорладик ва улар бирон-бир босқичда, албатта мувофиқ келиши ва тўла-тўкис мувофиқ келиши, сўнгра эса улар ўртасида зиддият пайдо бўлиши ҳақида тузукроқ ўйлаб кўрмадик. Жамиятшуносларда эса изчил хулосалар чиқариш учун руҳ ҳам, қатъият ҳам етишмади. Фақат Марказий Комитетнинг апрель Пленуми, партиянинг XXVII съезди бу ақидани ҳам чиппакка чиқарди.

Жамиятшунослар қайта қуришнинг ҳамма поғоналарида: экономика, социал муносабатлар, маданият, онг соҳасида ишлайдилар. Бизда инсон, инсонпарварлик муаммолари диққат марказида турганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу муаммоларни тўғри тушуниш, уларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бениҳоя муҳим аҳамиятга эгадир.

Сусткашлигимиз, орқада қолаётганлигимиз учун бизларни, олимларни тўғри танқид қилмоқдалар. Айниқса конкрет ёндашувларни ва стратегик йўлларни ишлаб чиқишда орқада қолаяпмиз. Иқтисодий ислоҳот, демократияни ривожлантириш хусусида умумий қоидалар ҳақида жуда кўп ёзилди. Қайта қуришнинг мана шу асосий воситаларини амалга оширишда ёндашувлар ҳозирча етарли эмас. Иқтисодий ислоҳотнинг стратегик мураккаб масалалари ҳам ҳозирча етарли ишлаб чиқилмаяпти. Биз буни тушуниб турибмиз.

Фанга ва айниқса ижтимоий фанга жўшқинлик ҳаммадан ҳам кўпроқ керак. Бизда турғунлик ҳолатлари ва консерватизм ошиб-тошиб ётибди. Кадрлар ўзларини секинлик билан қайта қурмоқдалар, баъзи кимсалар эса ўзимизни қайта қуришнинг умуман ҳожати йўқ, бусиз ҳам яхши ишлаяпмиз, деб ҳисобламоқдалар. Шунинг учун ҳам мен сўзимнинг охирида бизга кўпроқ жўшқинлик кераклигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Газетхонларнинг: қайта қуриш тўғрисида гап-сўзлар камроқ бўлсин, унинг натижалари ҳақида конкрет материаллар кўпроқ бўлсин, икки йилдаги аниқ-равшан натижаларни айтиб беринг, энг яхши тажрибани кўрсатинг ва шу каби қатъий талаби — биз дуч келган энг катта қийинчилик бўлди, — деди «Советская Россия» газетасининг бош редактори **В. В. Чикин.** Эҳтимол, ҳар бир редакция коллективи олдида кўндаланг бўлиб турган энг муҳим ва қийин вазифа мана шу бўлса керак. Бу ўринда бир неча муаммо бор.

Биринчиси. Тажрибасини ўрганса бўладиган жойлар ҳозирча унчалик кўп эмас. Ҳозир жойларда — ташкилотлар, одамлар ҳам ўз тажрибалари ўрганилишини, умумлаштирилишини, уларга қандайдир плюслар қўйилишини унчалик хоҳламаётганликларини эътиборга олмоқ керак. Ҳозир ўз-ўзини таниқид даври, кўпгина янгиликлар давридир. Ҳали ҳеч ким у ёки бу натижани ўз ғалабаси, деб кўрсатишга шошилмаяпти. Аммо мана шундай тажрибага эҳтиёж, қандайдир реал натижаларга эҳтиёж жуда катта.

Яна бир гап. Биз, журналистларнинг зеҳнимиз ҳали ҳам унчалик ўткир эмас. Биз турмушдан кўп нарсани фаҳмлаб ололмаяпмиз, фарқ қила олмаяпмиз ва ажрата олмаяпмиз. Юзаки баҳо ва фикрлар мана шундан келиб чиқмоқда.

Ҳозир пленумлар ва йиғилишларда қайта қуриш тўғрисидаги ҳисоботлар тингланмоқда. Биз бу ҳақда кўп материал босяапмиз, аммо уларда ҳам биз тажриба адресларини унчалик кўп билолмадик. Умуман ҳисоботлар ва пленумларнинг ўзи жуда мароқли ўтмоқда, одатдан ташқари формалар кўп, ўткир гаплар, нутқларга ўткир эътибор билан қараш кўп. Биз Ярославлдан материал босиб чиқардик...

М. С. Горбачев. Материал яхши, қизиқарли чиққан Умуман сизларда ҳисоботларни ёритиш хусусида кўп мароқли материаллар босилди, айниқса мулоқот, фикрлар тўқнашуви орқали берилган материаллар мароқли ва ибратлидир.

В. В. Чикин. Яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Қайта қуришни шахс миқёсида очиб бериш тажриба жиҳатларидан бири эканлиги шубҳасиз. Биз қайта қуриш ишбошилари тўғрисидаги очеркларни туркумини тақдим этиб кўрдик. Ҳозиргача ўттиз-қирқтача шундай очерк бердик, аммо, кучимиз етмаётганини тан олиш керак. Биз ёзувчиларга мурожаат этмоқчи бўлдик. Газета билан аҳил бўлган бир неча ўртоқларимиз бор. Иван Васильев, Владимир Ситников шулар жумласига киради. Аммо — 40-йилларда бўлганидек, улардан биронтасини Москвадан қайта қуриш фронтига командировкага юбориш жуда қийин.

М. С. Горбачев. «Юбориш» буйруқчилик, маъмуриятчилик усулларига хос ибора. Илтимос қилинса бўлмасмикан? Биз Москвада бундай кишиларни топа оламиз, сиз чакки гапни айтдингиз.

В. В. Чикин. Бу — катта иш бўлур эди, аммо ҳозирча одамларда 15—20 йил муқаддам босилмаган нарсаларни бостириб олишга қизиқиш ҳар ҳолда кўпроқ.

Биз ҳозирги куннинг конкрет ҳодисалари ҳақида гапираётганимизда ҳозир, ҳар ҳолда буни бутун социализм концепциямиз билан боғлашга эҳтиёж катта. Бизда, менимча, «социализм кўпроқ бўлсин» деган ажойиб жуда мос, аниқ ибора юзага келди. Аммо кўпроқ дегани — кўпайтириш демакдир. Ҳозирги ҳар қандай ҳодиса ислоҳотларимиз билан боғланган. Коллектив пудрат, кооператив ҳаракати, хўжалик ҳисоби ва шу кабиларнинг ҳаммаси социализмнинг моҳиятидан келиб чиқади ва ҳозир бизнинг социалистик ҳаракатимиз мана шу тарихини узиб қўйишимизга ҳожат йўқ. Беҳуда бўлган, турғунликка алоқадор, ишга халақит берадиган иллатларни моҳирона кўрсатиш билан айни бир вақтда инсон яшаб турган, турмушимизнинг бир қисми бўлган жонажон социалистик заминимизни кўра билмоқ керак. Ғоявий етимлик бўлмаслиги лозим.

Ғоявий душманимиз бизга ўз муаммоларимизни социалистик йўл билан эмас, балки хусусий мулкчи, капиталист қиёфасини қайта тиклаш йўли билан ҳал этиш мумкин, деган фикрни тиқиштиришга уринаётганлиги сир эмас.

Октябрнинг 70 йиллиги тўғрисидаги докладнинг зўр тарихий умидворлик руҳи менда, ҳаммамизда катта таассурот қолдирди. Бу — яхши негиз, биз тарихий изланишларда бир мунча босиқроқ бўлишимиз ва кундалик ишлар билан шуғулланишимиз керак. Афсуски, менинг назаримда, ҳозир матбуотдаги ҳамма материаллар ҳам шу руҳда эмас. Айниқса тарих теварагида қандайдир ховлиқмалик бор. Бу ўринда мен, фикримча одамларнинг дилида қоронғи жиҳатларни юзага келтиради ҳовлиқмаликни назарда тутяпман. Кеча Набережние Челни, Черемушка номларини қайта тиклаш тўғрисидаги ҳужжат, Сиёсий бюронинг қарори эълон қилинди. Жуда қатъий вазмин ҳужжат. Одамлар бу ҳақда гаплашиш, ўйлаш, фикр юритишни хоҳлашларини биламиз. «Известия»да кичикроқ, аммо турмушнинг катта сиёсий жиҳатларига тааллуқли, одоб билан оқилона ёзилган жуда чиройли материални ўқидим. Бироқ бошқа бир газетада бутунлай ўзгача тусдаги мақолага дуч келдим.

Овоз. «Московская правда» газетасида.

В. В. Чикин. Мени кечирасизлар-у, унда умуман таққиромуз оҳангдаги ибораларни бор.

М. С. Горбачев. Унда шов-шув қўзғатишга қандайдир муккасидан кетиш ҳоллари намоён бўлмоқда. Бизнинг матбуотимизга шу хусусият хос бўлиши керакми, ахир? Келинглар, ҳам бугунги, ҳам кечаги қийин муаммолар ҳақида жиддий, аммо масъулият билан илмий руҳда ёзайлик, энг қийин материални чинакамига атрофлича тушунтириб берайлик. Агар хато қилган бўлсак, уни тузатиш керак. Ҳатто энг жиддий хатоларни ҳам тузатиш лозим. Хўш, бунинг учун мардлигимиз етишмайдими? Модомики, шундай революцион ишни — мамлакатни турғунликдан чиқариб олиш ишини бошлаган эканмиз, бу муаммоларни муҳокама қилиб, якдиллик билан қарор қабул этишга ва баҳамжиҳат қадамлар қўйишга наҳотки мардлигимиз етишмаса?

Мен — мамлакатимизда социализм, демократия, ошкоралик, таниқид принципларини тантана қилиши тарафдориман. Ҳалоллик, рўйростлик бўлсин. Буларнинг ҳаммаси қандайдир бачкана шов-шувлар йўлида эмас, халқ манфаатлари йўлида хизмат қиладиган бўлсин, албатта.

Биз ўз хатоларимизни мардона таҳлил этдик. Лениндан кейин қачон шундай таҳлил бўлган эди? Оғир вазминлик билан атрофлича таҳлил этдик. Ўзимизнинг жуда жиддий хулоса ва қоидаларимизни яққол кўрсатиб бериш учун кўпгина ўткир фактларни топа олишимизни тушуниб турибсизлар, деб ўйлайман. Ҳар қандай масала юзасидан шундай қила оламиз. Аммо ҳозир гап эҳтиросларни қучайтириш учун фактларни кўрсатишдангина иборатми? Бу — сиз билан бизнинг йўлимиз эмаслигига ишончим комил. Биз социализмни қуришимиз, янгилашимиз керак. Биз тарихимизга ва айниқса социалистик тарихимизга чуқур томир ёйган илдизлар берадиган ҳамма шарбатдан қувват олиб ва ундан фойдаланиб, 30-40-йиллардан ва сўнгги турғунлик даридан давом этиб келган жамики салбий ҳодисаларнинг пайини қирқиб, ўз жамиятимизни олға силжитишимиз керак.

Биз олға боришимиз ва олдинга қарашимиз лозим. Дилкаш суҳбат эса дилни очиш учун ўтказилади. Шу сабабли ҳеч қандай депсиниш, ҳеч қандай чекиниш бўлмасин, аксинча — олға, фақат олға борайлик!

«Новости» матбуот агентлиги правлениесининг раиси **В. М. Фалин** ўз нутқида бундай деди:

Биз ҳозир яшаб турган давр назаримда, ўзининг бошқа хусусиятлари билан бир қаторда битта хусусияти билан ажралиб туриби, у ҳам бўлса, барча халқларнинг маънавий эҳтиёжлари ўсиб, ҳар бир халқнинг ва ҳар бир давлатнинг турмушидаги маънавий омил ошиб бораётганлигидир.

Биз тарихда қилган ҳамма хатолар ўтмишда қолиши керак. Бизнинг хатоларни такрорлашга, янги хатолар қилишга ҳаққимиз йўқ, қачонлардир, орадан 10-15 йил ўтгач, ўз хатоларимизни тузатиш билан шуғулланиб юрадиган бўлмайлик.

Айтиш мумкинки, биз ишонч кредитини тамом қилдик ёки тамом қилишга яқинлашиб қолдик. Зотан, бугунги кунда биз фақат ҳақиқатни, бор ҳақиқатни ёза оламиз. Бугун ҳақиқатни айтишга қодир эмас эканмиз, шу ҳақиқатни кейинчалик айта олмагунимизча, яхшиси муайян вақтгача умуман гапирмаслик керак, лекин кейинчалик ҳаммасини керагича айтиш лозим. Аммо тарих тўғрисида гапирганимизда, биз кейинги вақтларда кўпинча кўкрагимизга уриш билан машғул бўлмоқдамиз. Тарих тўғрисида гапирганда эса фақат Совет давлати ва Россия тарихини англаяпмиз. Тарих эса биз билангина чекланиб қолмайди, бинобарин тарихимизда бўлган воқеаларнинг кўпи мамлакатимиз доирасидан ташқарида рўй берган, бизнинг бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз натижаси бўлган, воқелигимизга ташқаридан киритилган воқеаларнинг ҳосиласи, акс-садосидир.

Ҳозир, деди сўнгра В. М. Фалин, қайта қуриш, Вашингтонга қилинган визит якунлари ва Вашингтондан кейин қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида Ғарбда билдирилаётган фикр-мулоҳазаларга жуда эътибор билан назар ташланадиган бўлса, у ердагилар ўтган йил ва бурноғи йилда мавжуд бўлган жиҳатларга эмас, балки мутлақо бошқа жиҳатларга эътиборни қарата бошлаётганликларини пайқаш қийин эмас. Эндиликда янгиланиш, демократиялаш, ошкоралик хусусида завқ-шавқ йўқ, балки бунинг акси бўлмоқда.

М. С. Горбачев. Энг асосийси эса халқимиз орасида ишончсизлик уруғини сочишга уринмоқдалар. Рус тилида ва бошқа халқларнинг тилларида ёзилиб, мамлакатимизга келтирилаётган нарсаларнинг ҳаммаси биз қайта қуришни амалга оширишимизга шубҳа-гумон туғдиришга қаратилгандир.

В. М. Фалин. Бу ишнинг бир томони. Иккинчи томони эса у ерда мавжуд бўлган ишончсизликни сақлаб қолишдан, уни авж олдириш учун янги материал, ёнилғи ташлашдан иборатдир. Шу муносабат билан бу муддао ғоят жиддий эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Биринчи жаҳон урушидан кейин америкаликлар бизга қарши шу қадар душманлик позициясини эгаллашганининг сабаби фронтдан қайтиб келган Америка солдати ўз системасига қарши бош кўтарганлигида эди. Америка ишчиси Октябрь революциясидан кейин социал ҳуқуқларни талаб қилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин америкаликлар ғалаба самаралари-ни биз билан баҳам кўришни истамаганликлари учунгина Совет Иттифоқига нисбатан бурилиш рўй бериб қолгани йўқ. АҚШ маъмурияти Совет Иттифоқига нисбатан дўстлик ҳис-туйғулари бу давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир ўтказишидан қўрққан эди.

1946 йилда буни Сульцбергер эътироф этган эди, мўътабар олимлар ўз асарларида шуни эътироф этмоқдалар, бу эса қақиқий ва реал фактдир. Америка разведкасининг шундай бир ҳужжати борки, унда 1943 йилда Совет Иттифоқи билан коалициядан чиқиб, ўша даврда Совет Иттифоқига қарши биргаликда кураш олиб бориш учун фашистлар Германияси билан бирлашиш тавсия қилинган эди. Бу Курск ёйидаги жангдан кейин дарҳол, 1943 йилнинг августидаги гап эди. Шу боисдан Қўшма Штатларда рўй бераётган воқеаларга эътибор билан назар ташланса, биз кайфиятлардаги бундай бурилишга етилиб келаётган жуда жиддий ўзгаришлар кўрсаткичи, деб қарашимиз ва бунга тайёр бўлиб туришимиз керак.

Нотиқ сўнгра қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш ишида совет матбуотининг резервларига тўхталиб, кўп нарсани мақсадга мувофиқ, аниқ мақсадга қаратилган ва мунтазам ҳаракатлар йўли билан амалга ошириш мумкинлигини таъкидлади. Матбуотда эълон қилинаётган мақолалар билан шундай мақола келтириб чиқарадиган оқибатлар ўртасида мутаносибликка эришиш лозим. Аммо ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Баъзида қуюшқондан чиқувчи факт газетада фош қилинади, газетхон бунга қандай муносабат билдирилишини кутади, лекин ундан дарак бўлмайди. Одамлар ўртасига ғулу солишнинг нима ҳожати бор эди, деган савол туғилади. Бутун ошкоралик гапириш мумкин бўлмаган бирон нарса ҳақида гапириш ҳуқуқидангина иборат бўлиб қолиб, таниқид оқибатлари эса эътибордан четда қолиб кетмоқда. Нотиқ ҳозирги вақтда қайта қуриш жараёнида юзага келган янги тўсқинлик механизмлари пайдо бўла бошлаганига эътиборни жалб қилди.

Сўнгра «Правда» газетасининг бош редактори **В. Г. Афанасьев** сўзга чиқди. У қуйидагиларни айтди: бизнинг матбуотимиз, шу жумладан, «Правда» ҳам қайта қуришнинг биринчи босқичида, биздаги мавжуд нарсаларга, биз қаерда турганлигимизга, қандай муаммоларимиз, қандай нуқсонлар, хатолар, камчиликлар борлигига, бундан буён қай томонга боришимизга бир назар ташлаш лозим бўлган пайтда яхши ишлади. Бунда биз ҳаммамиз таниқид бобида жуда зўр малака ортгирдик. Аммо кейинчалик фикрлаб кўриб, партия XXVII съездининг қарорларини ҳам, Михаил Сергеевич Горбачевнинг гапларини ҳам эътиборга олиб, таниқиднинг ўзи билангина қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди, деган хулосага келмаслик мумкин эмас эди. Худди шу ерда биз энг қийин ишга дуч келдик. Тўғрисини айтсак, бунда «Правда»бир мунча бўшашиб, бироз вақт баъзида саросимага тушиб қолганди, бунинг учун биз катта кенгашларнинг бирида ҳаққоний таниқид қилинган эдик. Ана шу таниқиддан биз хулосалар чиқариб, бир қанча шошилинч ва истиқболли чорра-тадбирларни кўрдик.

Биз ҳозирги пайтда қайта қуришнинг иккинчи босқичида матбуот учун энг муҳими — қайта қуришнинг ғоят хилма-хил жиҳатлари: ҳам инсоний, ҳам технологик, ҳам социал-психологик жиҳатларида унинг илғор тажрибасини излаб топиш, оммалаштириш ва қўллаб-қувватлашдан иборат деб ҳисоблаймиз. Бунда биз адресларни ҳам, номларни ҳам, турли хил маслаҳатлар ва истакларни ҳам олишимиз учун партия органлари, партия Марказий Комитетининг бўлимлари, раҳбарияти билан яна ҳам қалинроқ алоқа боғлашимиз керак.

Яна шуни айтиш керакки, биз бундай тажрибани дуруст излаётганимиз йўқ, ёмон излаяпмиз. Баъзи жойларда эса ҳатто излашни ҳам билмаймиз. Нима учун шундай? Шунинг учунки, биз, журналистлар янги шароитда ишлашга, ҳозирги замон янги муаммоларини ҳал этишга етарлича тайёрланмаганмиз. Товар-пул муносабатларини олиб кўринг. Биз булар билан шуғулланмадик. Илм-фан ҳам ёлчитиб шуғулланмади. Кооператив ҳаракатни, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини олиб кўринг. Биз бу-лар билан ҳам шуғулланмадик. Турмушимизнинг инсоний, социал-психологик жиҳатларини олиб кўринг, Бу иш билан ҳам шуғулланмадик. Шу боисдан биз қ

ДЕМОКРАТИЯЛАШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МОҲИЯТИ, СОЦИАЛИЗМНИНГ МОҲИЯТИДИР

(Давоми. Боши биринчи, иккинчи ва учинчи бетларда).

Бошқа республикалар эса маҳаллий. Маданият министрликлари билан қўшилиш, кино ҳам, Госкомиздат ҳам, Маданият министрлиги ҳам бўладиган ташкилотлар, комитетлар тузилиши тарафдоридирлар. Менинг назарим, да бутун кинематография учун жавоб берадиган ягона тармоқ керак.

Нотиқ йиғилганларнинг эътиборини Р. Кармен музейини ташкил этиш проблемасига ҳам жалб қилди. Ана шу музейда фронт операторларининг ишлари, ҳужжатлари йиғилган бўлур эди. Биз шундай музейлар очилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Москва Совети эса деди у, очиш керак эмас, деб ҳисобламоқда. Марказий газеталардаги кўпгина мақолаларни, «Қайта қуриш прожектори»нинг кўрсатувларини Москва Совети эътиборга олмаяпти.

Марказий Комитетдаги бундай учрашувлар рўйростлик, ишонч ва масъулиятнинг ажойиб сабоғи бўлиб қолди, деди СССР Госкомиздатининг раиси **М. Ф. Ненашев**. Шу учрашувлар ишимизнинг характери ва мазмунига ғоят катта таъсир ўтказмоқда. Яқинда мен нашрларнинг бирида қўйидагиларни ўқидим: жамиятда ўзгаришлар қилиш мумкин бўлиши учун иккита мажбурий шарт зарур. Биринчиси: катта мақсадлар. иккинчиси: катта қаршиликлар.

Биз ҳақиқатан ҳам улуғ мақсадларга — ҳам социал, ҳам ижтимоий мақсадларга эгамиз. Улар революцион мақсадлардир! Иккинчи томондан, биз қаршиликка ҳам учраяпмиз. Бунга етарли баҳо бермасликка бизнинг ҳаққимиз йўқ. Ҳозир нашрлар турмушидаги мавжуд проблемалардан келиб чиқаётганим учун шу ҳакда гапираяпман. Мана бу нашр этилсин, буниси эса нашр қилинмасин, деган ғоят қатиқ централизм асосида ҳамма иш ташкил этилиб, бунга ўйламай-нетмай итоат қилиш нашриётчилик ишига ҳаммадан кўпроқ зиён етказганини тушунамиз. Ҳозир биз нашриёт ишидаги демократик жараённи авж олдиришга интиляпмиз. Биздаги нашриётчилик жараёни шу қадар катта тўсиқлар, тақризлар, баҳолар билан қуршаб олинганки, илгариги қолипларга тўғри келмайдиган янги ғоялари бўлган авторнинг ўз асарини босиб чиқариши анча мушкул ишдир. Шу боисдан ҳам фикрлар китоби, мунозара китоби, мулоқот китоби ҳамон камдан-кам учрайди. Партия Марказий Комитетидан мадад олиб, қатъий чоралар кўра бошладик. Масалан, шундай қарор қабул қилинди: ҳар бир автор тўла мустақиллик, бирон-бир ҳодисани ўзича талқин этиш ҳуқуқига эга. Нашриёт китобнинг сўз боисида авторнинг позициясига бирон нарсада қўшилмаслигини, аммо китобхоннинг ўзи асарнинг аҳамиятига баҳо бериши учун уни эълон қилишни зарур, деб ҳисоблашини айтиши мумкин.

Сўнгра нотиқ нашриётларнинг тематик планларига тўхталиб, бу борада ҳеч қандай ўзгаришлар йўқлигини эътироф этди. Кўпгина монографиялар икки-уч йил муқаддам ёзилган бўлиб, уларда янги фикрлар йўқ, деди у. Гап шундаки, нашриётларда топшириқ асосида ишлаш анча енгил. Нашриёт жараёнидаги қайта қуришни кўпчилик: нотўғри буйруқлар берилар эди, энди эса қайта қуриш, бинобарин бошқа, анча оқилона буйруқлар берилади, деб тушунмоқдалар. Қандай китобни нашр этиш керак ва қандай китобни нашр этмаслик кераклигини фақат нашриёт ҳал этиши лозим. Биз жузъий, майда-чуйда, маъмурий сиёсат билан эмас, балки нашриётчилик сиёсати стратегияси, катта идеология билан шуғулланишимиз керак.

Нотиқ тармоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ проблемаларга тўхталди, қоғознинг етишмаслиги нашрларига талаб кескин ошиб кетган редакторларни кўпинча танг аҳволга солиб қўяётганлигини қайд этиб ўтди. Улар қувонишлари ўрнига ошиб кетган тираж учун қоғозни қаердан олишни билмай, бошлари гаранг бўлади, деди у.

Шуни ҳам таъкидламоқчиманки, бизнинг полиграфиямизни энг қолоқ тармоқ деса бўлади. Энди бизнинг чекинадиган жойимиз қолмади. Шунга қарамай, уни ривожлантириш тўғрисида қабул қилинган қарорлар бажарилмаяпти. Машинасозлик министрликларида ҳам, Қурилиш министрлигида ҳам мутлақо иш қилишмади. Биз, масалан, тарихга оид адабиётни етарли миқдорда босиб чиқаришни наҳотки истамасак? Бундай адабиётни нашр этишда шундай бир давр бўлдики, ўшанда биз одамларни Россия ижтимоий-сиёсий тафаккурини тўла ҳажмда англаш, унга баҳо бериш имкониятидан маҳрум қилиб қўйган эдик. Эндиликда бундай адабиётни нашр этишнинг бутун бир программаси мавжуд бўлиб, уни амалга ошира бошладик. Лекин бизнинг имкониятларимиз шу қадар чекланганки, китобни ўн минг нусҳада қўшимча босиб чиқариш кўпинча ҳал этиш қийин бўлган муаммодир. Соловьев ва Ключевский асарларига обунани 50 минг нусҳадан 200 минг нусҳага етказдик. Талаб эса бениҳоя каттадир, албатта. Уни эса қондира олмаймиз. Кучимиз йўқ.

Биз ғоят жиддий ёрдамга муҳтожмиз. Чунки бу ниҳоятда муҳим ва керакли ишдир. Бизнинг полиграфия машинасозлигимиз яқин беш-етти йил ичида бизга ҳеч қандай сифатли нарса бера олмайди, ниҳоят қоғоз муаммосини ҳам ҳал этиш лозим.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **В. В. Карпов** ёзувчилар сўзининг обрў-эътибори ортиб бораётганлигини қайд этиб ўтди. Ҳамма журналларнинг нусҳаси ошди, масалан, «Новий мир» журналиники икки баравардан зиёд, «Дружба народов» журналиники беш баравар кўпайди, «Литературная газета»нинг доимий газетхонлари қаторига яна 700 минг обуначини қўшди, деди у. Уларнинг нусҳаси келгуси йил қандайдир шовшувга сабаб бўладиган ва «жазиллама» материалларни эълон қилишга ваъда қилинганлиги учунгина кўпайгани йўқ, албатта. Эҳтимол, ўқувчиларнинг бирон-бир қисмига шу ҳам таъсир қилган бўлиши мумкин, мен буни инкор этмайман.

Овоз. Унча катта қисмига эмас, 90 процентининг ҳаммасига (**залда кулги**).

В. В. Карпов. Эҳтимол шундайдир. Кўпгина журналхонлар уларнинг бадиий савияси юқорими деб сўрашмоқда. Дарҳақиқат, «Арбат болалари»— керакли нарса, у ҳизғин ва мароқли ёзилган. «Оқ либослар» ҳам худди шундай. Хўш, бадиий савияга келганда-чи? Эҳтимол, бу ҳам даврнинг қандайдир босқичларидир? Журналхонларнинг ўзлари огоҳлантирмоқдалар: ҳушёр бўлинг, яна бир ўзгарувчан ҳол юзага келиб қолмаса эди, репрессиялар тўғрисида, ҳар хил салбий нарсалар ҳақида икки оғиз сўз айтиб, бу ишга яна 300 саҳифа хом-хатала асарни ёпиштиргандек бўлмаса эди яна.

Энди хўжалик ҳисоби тўғрисида бир-икки оғиз сўз. Бизда хўжалик ҳисоби ҳамма учун деб тушунаман. Шундай экан, нима учун Ёзувчилар союзи хўжалик ҳисоби асосида яшаши мумкин эмас экан? Биз аллақачон хўжалик ҳисобига ўтганмиз.

М. С. Горбачев. Хўжалик ҳисоби билан бирга яна солиқ сиёсати ҳам бор.

В. В. Карпов газеталарнинг раҳбарларини ёш ёзувчиларни тез-тез ҳамкорлик ка жалб этиб, уларни командировкаларга юбориб туришга чақирди. Пировардида нотиқ қоғоз етишмаслиги муаммосини оператив равишда ҳал қилиш зарурлигини таъкидлади.

М. С. Горбачев. Учрашувимизни тугаллаймиз. Мен шу учрашувга ҳозирлик кўра туриб, 1985—1987 йиллар учун статистикага оид справкани сўраб олдим. Шу йиллар мобайнида бизнинг экономикамизда, социал соҳамизда нималар содир бўлди ва содир бўлмоқда? Бунда. ги маълумотлар кўп нарсадан жуда яққол далолат бериб турибди. Масалан, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари саноатда ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик кўрсаткичларидан 1,3 баравар, қурилишда 1,6, қишлоқ хўжалигида 2,8, темир йўл транспортида 3,6 баравар ошди. 1981—1984 йилларда миллий даромадни ўстиришнинг 86 проценти, 1985—1986 йилларда 95 проценти ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан таъминланган бўлса, 1987 йилда унинг 100 проценти таъминланди. Саноатда бунга ҳатто ишловчилар сонини камайтирган ҳолда эришилди.

Меҳнат ҳақини ўстириш ва ижтимоий меҳнат самарадорлигини ошириш суръатларида ҳам вазият яхшилик сари ўзгарганлиги жуда муҳимдир. Бизда бу соҳадаги аҳвол ҳамища ёмон эди. 1981—1984 йилларда нималар бўлганлигига бир назар ташланг. Булар айни энг ташвишли йиллар эди. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган меҳнаткашлар иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигини ўстиришдан 17 процент ошиб кетган эди. Яъни пул тўланарди-ю, аммо самара йўқ эди.

Эндиликда иш ҳақи меҳнат унумдорлигининг оширилишига қараб қўпайтирилмоқда. Иқтисодий механизм ишлай бошлади. У ҳатто ислоҳот бўсағаларидаёқ ишлаб кетди, ўртоқлар. Бу —биринчиси.

Иккинчиси. Фан-техника тараққиёти соҳасида ҳам сифат ўзгаришлар содир бўлаётганлиги жуда муҳим. Бунда бирламчи машинасозликка — станоксозлик, электр техника, приборсозликка ҳамда фан-техника проблемаларининг ҳал этилишини, озиқ-овқат ва енгил саноат, социал соҳа ривожлантирилишини таъминлаш лозим бўлган тармоқларга асосий эътибор қаратилмоқда.

1987 йилда ана шу тармоқларда маҳсулотларни янгилаш 1985 йилга нисбатан 2,9 баравар тезроқ амалга оширилди. Шуни эътироф этишим керакки, яқинда машинасозлик виставкасида бўлганимизда ҳатто ўзимиз бир қадар таажжубланиб қолдик. Сезиларли силжиш рўй берибди. Ваҳолонки, биз аслини олганда ҳали барча қарорларни қабул қилганимиз йўқ ва машинасозлигимизни модернизациялаш программаси устида фақат иккинчи йил иш олиб бораяпмиз.

Виставка нимадан далолат бермоқда? Жаҳон даражасидаги ва ҳатто ундан устун турадиган маҳсулот чиқарила бошланди. Бунинг устига маҳсулотнинг 15—20 проценти эндигина синовдан ўтган намуналар бўлса, қолганлари кўплаб ишлаб чиқарилаётганидир. Одамларимиз—олимлар ҳам, техниклар ҳам, ишчилар ҳам енг шимариб ишга киришишган ҳам эдики, ҳамма нарса юришиб кетди.

Ўтмишда Ватан машинасозлигига қандай муносабатда бўлишганини биласиз, у мутлақо ташлаб қўйилган эди. Нефть шов-шуви валютага эга бўлиш имконини берганди. Шу боисдан биз ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал эта туриб, ҳеч нарсани ўйламай машина-ускуналарни харид қила бердик. Ватанимиз машинасозлигини ҳам, илм-фанини ҳам тегишли даражада ривожлантирмай туриб, эҳтиёт қисмларни харид қила бердик. Академик А. П. Александров тўғри айтганидек, ана шу «импорт вабоси» аслида фан-техника тараққиёти жараёнини сўндирди.

Мана шуларнинг ҳаммаси бизнинг улкан мамлакатимизда содир бўлдики, у кимга бўлмасин техникавий қарамликка умуман йўл қўя олмайди. Биз ниҳоятда танг аҳволга тушиб қолган эдик. Мураккаб бурилиш қилиш керак эди. Мана эндигина олга силжидик: ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқарила бошлади, олимларнинг рақобат қилувчи коллективлари ишни бошлаб юбордилар. Масалан, секундига бир миллиард операцияни бажаришга қодир бўлган ЭҲМни яратишга жуда яқин келиб қолдик. Улардан сўнг яқин йилларда тезкорлиги секундига 10 миллиард операцияга борадиган машиналар пайдо бўлади, шундан кейин секундига 30, 50 ва ҳатто 100 миллиарддан знёд операцияни бажарадиган супер ЭҲМлар яратилади. Вазифалар эса тобора ортиб бормоқда. Жамиятимиз қандай потенциалга эга эканлигини тушунаяпсизларми? Жадаллаштириш бошланди.

Виставка ҳақиқатан ҳам уни акс эттирди. Ҳозирдаёқ ярим миллион киши виставкани бориб кўрди. Буни унга берилган кичик шарҳ деса бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ҳам таҳминан 1983 йилдан буён прогрессив ўзгаришлар давом этмоқда. Бу тенденция барқарордир. Чорвачиликда барча йилларда маҳсулдорлик ошмоқда, ҳозир ҳам маҳсулотнинг ҳамма турлари бўйича ўсиш қайд этилмоқда. Турғунлик йилларидан бизга мушкул ишлар мерос бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам биз фан-техника тараққиёти ва шахсий манфаатдорликни кучайтириш, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни демократиялаш асосида қайта қуришни авж олдиришга мажбурмиз. Бизнинг йўлимиз мана шундай.

Биз ҳеч қаёққа чекина олмаймиз. Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича миллий даромад қандай ўсиб бораётганлигини кўриб чиқдик. Миллий даромадни тўлиқ ололмаётганлигимизнинг сабаби нима? Ташқи савдо сабабли, чунки нефть билан боғлиқ аҳвол ноқулайдир. Арақ сотиш камайтирилганлигидан «йўқотишлар» муносабати билан даромадимизда камомад бўлаяпти. Аммо билсангиз, узоқ муддатли социал ва иқтисодий сиёсатни фараз, таҳминлар асосига қуриб бўлмайди, қолбуки биз сўнгги вақтларгача шундай қилиб келаётган эдик. Шу боисдан биз ҳозир амалга оширяётган бурилишлар жуда керакли ва асослидир. Биз аграр секторга ҳамма эшикларни ланг очиб қўйишимиз назарда тутилаяпти. Ҳозирдаёқ барча тўсиқларни, уни ривожлантира. бориб дуч келинаётган ҳамма ғовларни олиб ташлайдиган қарорларни аслида қабул қилиб қўйдик. Эндиликда гап раҳбарларнинг психологиясида қолди. Халқ эса ташаббус кўрсатишга тайёр, қишлоқ хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлган масъулиятни зиммасига олишга тайёр, у билан алоқадор таваккалчиликни ҳам зиммасига олишга тайёрдир, чунки у ўз кучларига ишонади. Буни ҳамма жойда ҳозирдаёқ исботлади ҳам.

Биз ҳозир мустақиллик нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодий шарт-шароитлар нуқтаи назаридан ҳам, техника нуқтаи назаридан ҳам колхоз ва совхозларга кенг имкониятлар бераяпмиз. Ўйлайманки, биз аграр секторда барқарорликка эришамиз. Айниқса, деҳқончиликда шунга эришамиз, албатта.

Бошқа соҳаларда қандай қизиқарли жараёнлар рўй бераётганига бир назар ташланг. Биз бутун халқ хўжалигимизнинг социал йўналишини кучайтириш учун талайгина ишлар қилдик. Бу қандай наф беради? Ҳозирча бурилиш қилинмоқда, аммо 1987 йилдаёқ шу мақсадларга, социал соҳанинг моддий базасини вужудга келтиришга сарфланган капитал маблағларни ўстириш суръати умуман халқ хўжалигидагига қараганда 3 баравар юқори бўлди. Натижада биз нимага эга бўлдик? 1985—1987 йилларни олиб кўрайлик. Шу уч йил мобайнида уй-жойларни фойдаланишга топшириш ўртача йиллик даражаси 9 процент, мактабларни фойдаланишга топшириш — 28 процент, ҳунар-техника билим юртларини фойдаланишга топшириш — 4 процент, мактабгача тарбия муассасаларини фойдаланишга топшириш — 10 процент, касалхоналарни фойдаланишга топшириш — 9 процент, поликлиникаларни фойдаланишга топшириш— 24 процент, клубларни фойдаланишга топшириш — 46 процент кўпайди. Шу йилларда 32 миллион киши уй-жой шароитини яхшилаб олди. Мароқли маълумотлар!

Аҳолининг моддий неъматларни истеъмол қилиши ва хизматлардан фойдаланиши ошди. 1985—1987 йиллар мобайнида истеъмолнинг ўртача йиллик мутлақ ўсиши бундан аввалги уч йилдаги 11 миллиард сўмлик ўрнига 18 миллиард сўмликни ташкил этди. Демак, мутлақ ўсиш 7 миллиард сўмдан иборат бўлди. Ўртоқлар, мен бу ҳақда нима учун гапиряпман? Биз нимани қилаётган бўлсак, ҳаммасини халқ манфаатларини кўзлаб қилаяпмиз. Пировард натижада ҳал қилувчи сўзни халқ айтади. Одамлар ҳам лаббай, деб чиқдилар. Улар қайта қуришни ўз меҳнатлари билан қўллаб-қувватладилар. Бу эса энг муҳимидир. Аслини олганда турмушнинг барча соҳаларидаги ғоят улкан имкониятларимизни худди шу нарса белгилаб беради. Бошқа бирон-бир мамлакат шундай имкониятларга эгами?

Бу қанақаси, статистика истеъмолнинг ўсишини маълум қиляпти, бизда эса ҳамма нарса етишмаяпти, деб сўрашлари мумкин. Биз буни ўткир ҳис этаяпмиз. Хўш, нима учун? Чунки пул даромадлари билан товар оборотини ўстириш бошқа-бошқа йўлдан борди. Истеъмол ортиб борди, бироқ тўлов қобилиятига эга бўлган талабэҳтиёж яна ҳам тезроқ ошиб кетаверди. Натижада тафовут, қопланмаган эҳтиёж орта борди. Шу боисдан ҳам бизда ҳамма нарса етишмаяпти.

Бу ерда шундай масалани кўтаришди. Хўжалик фаолиятидаги янгилик баъзида қандайдир гумонсирашни, ҳатто шубҳани юзага келтиради. Халқнинг эҳтиёжларини қондириш манфаатлари йўлида, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш йўлида ишлашаётганида буни табриклаш керак. Аммо бизда қандайдир юлғичлик элементлари пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак ва йўл қўймаймиз ҳам. Биз ўзимизни бундан ҳимоя қилишга қодир бўлган иқтисодий, социал, сиёсий механизмларга эгамиз.

Лекин бошқа нарса тўғрисида ҳам айтмоқчиман. Одамларнинг қизиқиши қўллаб-қувватланиши лозим. Бутун дунёда шундай қилинади. Бизда ҳам худди шундай бўлиши керак. Қаранг, ҳозирдаёқ мамлакатда 13 мингта турли кооперативлар ҳар қалай ишлаб турибди, 300 мингдан кўпроқ киши якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Бу бизнинг мамлакатимиз каби мамлакат учун унчалик кўп эмас, лекин шунга қарамай, олға томон қадам қўйилди.

Жамиятни, экономикани ва социал муҳитни соғломлаштиришга, жумладан ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашга қаратилган йўлимиз нима бермоқда? Баъзи маълумотларни, демографик кўрсаткичларни келтириб ўтаман, холос. Улар ҳаммамиз учун қизиқарлидир.

1986—1987 йилларда 1984 йилга нисбатан ҳар йили ўрта ҳисобда 200 минг киши камроқ ўлди, бахтсиз ҳодисалардан меҳнатга қобилиятли эркакларнинг ўлиши эса 37 процент камайди. Ичкиликбозлик нима дегани? Бу — қондаларни бузиш, авариялар, майиб-мажруҳликлар демакдир. Одамлар айни қучга тўлганида ҳаётдан кўз юмишарди. Бу тенденцияни ўзгартириш осон бўлмади, аммо ўзгартирдик.

Ўтган икки йил ичида туғилиш даражаси ортди. Шу даврда ҳар йили 5,6 миллион бола туғилди, 1980 йилда 4,9 миллион бола туғилган эди. Оилани соғломлаштириш — катта иш. Боз устига одамлар эндиликда истиқболни кўриб турибдилар, уларнинг ишончи ошди. Энг аввало эса маънавий соғломланиш рўй берди. Биз мамлакатда соғлиқни сақлаш билан пухта шуғуллана бошладик. Мамлакат бутун аҳолисининг ўртача умр кўриши деярлик икки йил, эркакларники эса 2,6 йил узайди.

Буларнинг ҳаммаси тасодиф эмас, албатта, дейиш мумкинки, бу — бутун жамият турғунликдан чиқаётганлигининг яна бир исботидир. Бироқ ижобий тенденциялар эндигина кўрина бошлади.

Эндиликда, биз иқтисодий омилларни ишга солаётган, ошкоралик, демократияни авж олдираётган, ижтимоий ташаббус барча воситалар билан рағбатлантирилаётган бир пайтда ижобий жараёнлар кучайиб бораверади, деб ўйлайман. Ҳали биз бир неча бор касалга чалинамиз, албатта, дардимиз енгил бўлмайди, аммо биз қувватга кириб, янада дадилроқ олға бораверамиз. Биз албатта олға боришимизга Сиёсий бюронинг, ҳукуматнинг ишончи комил. Шу сабабли ҳозир қайта қуришнинг жуда мураккаб босқичига кирар эканмиз, кўпгина янги муаммолар бизга ёпирилиб келар экан — саросимага тушмаймиз, асабийлашмаймиз. Агар бирон-бир ишда хато қилиб қўйган бўлсак, эҳтимол ҳатто баъзан чекинишга тўғри келар. Ишларимиз жўн эмас, хатолардан қўрқмаймиз. Аммо белгиланган йўлдан қатъият билан бораверамиз.

Биз камроқ хато қилишимиз керак, албатта. Ҳеч бир иш қилмайдиган кишилар камроқ хатога йўл қўядилар, деб ҳисобланади. Аммо ҳеч бир иш қилмасликнинг ўзи энг катта хатодир.

Сизлар қайта қуриш қандай бораётганлиги тўғрисидаги ўз фикрларингизни баён этиш ҳақидаги таклифимизга жавоб берганингиз учун сизларга астойдил миннатдорчилик билдирмоқчиман. Биз кирган босқичнинг мазмулияти ва тарихий муҳимлиги хусусида ўртамизда катта ҳамжиҳатлик, катта ҳамфикрликнинг борлигини кўриб турибман. Шунинг ўзиёқ жуда катта иш, деб айтган бўлур эдим. Бу тушунча ишга, ҳаракатга айланиши керак. Бу — биринчиси.

Иккинчиси. Олдимизда катта иш турганини ҳамма англаяпти. Шу англашни биз халқимиз онгига етказсак жуда яхши бўлар эди. Ўтган йили биз бу йўлда кўпгина иш қила олдик. Қайта қуриш ўзига хос умидлар революциясини юзага чиқарди. Бироқ, аввал бошда бу — шундай умидлар бўлди: мана энди яхши киши келади-ю, ҳамма иш ўз-ўзидан силлиқкина юришиб кетади, осмондан чалпак ёққан каби ҳузур-ҳаловат қила берамиз, деб ўйлашди. Энди халқ жамият учун, ҳар бир оила, ҳар бир киши учун ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан сезиларли ижобий натижаларга эришишдан аввал бир машаққатли йўлдан ўтишимиз кераклигини тушуниб турибди.

Биз режалаштирган ишларнинг ҳаммаси қайта қуриш асосида, янгича ёндашувлар асосида, мамлакатда вужудга келган муҳитни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш асосида қилиниши керак. Бу тушунчани келгусида ҳам қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш лозим. Халқнинг руҳини бардам қилиш керак, ўртоқлар.

Шу ўринда очиғини айтаман, одамларга ҳақиқат керак. Агар уларга ҳақиқат айтилса, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, ҳар қандай фидокорлик кўрсатишга тайёр бўладилар. Ёлғон нарса бежаб талқин этила бошлайдиган бўлса, ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлади. Одамлар яхши муносабатга жуда сезгирлик билан қарайдилар, ёлғонни ўзига нисбатан ҳурматсизлик, деб биладилар. Ҳозир халқимиз жуда ўқимишли ва билимдон, эҳтиёжмолки, дунёдаги энг билимдон ва энг маълумотли халқлардан биридир. У ҳалол ишлаб топилган пулдагина эмас, яхши муҳитга, ўзига нисбатан ҳурмат билан муносабатга, ўз ҳалол меҳнати учун шон-шарафга сазовор бўлишга сезгирлик билан қарайди.

Тарихимизни эсга олсангиз, халқимиз фидойиликка ҳамиша тайёр бўлганини биласиз. Буни унутмаслик керак. Аммо буни суиистеъмол қилиш ҳам ярамайди. Дарвоқе, тарихимиз хусусида. Бу ерда кўп масалалар кўтарилди, уларнинг баъзиларигагина тўхталаман. Тарихимиз масалаларига оид принципиал позиция Улуғ Октябрнинг . 70 йиллигига тааллуқли партия ҳужжатларида таърифлаб берилган. Ўша ҳужжатлар негизида тарихий жараёнлар ҳақидаги тушунчамиз, уларни қайта идрок этиш чуқурлашиб бориши — аммо жазавага йўл қўймаслик лозим. Сизларга шуни айтишим керакки, тарихимизнинг жуда кўп ғоят мураккаб масалаларини кўриб чиқиш учун КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил октябрь Пленуми қарорларига мувофиқ тузилган Марказий Комитет комиссияси ишламоқда. Эҳтимол, комиссия ишининг дастлабки натижалари юзасидан XIX партия конференциясигачаёқ бирон нарса эълон қилинар.

Сиёсий бюронинг сўнгги мажлисларидан бирида «КПСС тарихи очерклари» қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Бунга зўр қизиқиш билан қаралмоқда. «Очерклар» ҳаққоний бўлиши керак. Чунки тарихимиз тўғрисидаги ҳақ сўз — бизнинг муштарак бисотимиз, бизнинг кучимиздир, ўртоқлар. Шу сабабли КПСС тарихи юзасидан дарслик бўлиб қола оладиган яхши, ҳаққоний китоб ёзиш — катта иш. Марказий Комитетнинг ёрдамисиз, эҳтимол, бу муаммони ҳал этиб бўлмас, деб ўйлаймиз. Ҳозир вазифани яхшироқ уддалаш учун бутун потенциалимизни ҳаракатга келтириш керак. Зарур илмий билимга эга бўлган олимлар асосий ишни қиладилар, албатта. Авторларнинг яхши коллективини вужудга келтириш лозим, Унга ижодкор, принципиал, билимдон кишилар киритилсин. Ҳа, авторлар коллективи бўлиши лозим, аммо, чамаси, КПСС Марказий Комитетининг комиссияси ҳам бўлиши керак.

Бу соҳада катта ва масъулиятли иш қилиниши лозим. Чунки бу тарихимизнинг бор бисотини акс эттиради. Биз экономикада ҳам, маънавий маданиятда ҳам янги қадриятларни ўзлаштириб, ўқиб-ўргандик ва тараққиёт йўлидан илгари силжидик. Биз янглишишларга ҳам, хатоларга ҳам йўл қўйиб, ҳатто тарихимизнинг оғир, фожиали даврларидан сабоқлар чиқариш орқали ўқиб-ўргандик. Тарихни ҳар қандай силлиқлаштириш бизга мақбул эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу тарих мавжуд. Гап фақат уни ҳаққоний кўрсатиб беришда қолган. Гап бизнинг ҳалоллигимизда, масъулиятимизда ва илмий ёндашувимизда қолган. Биз тарихимиздаги ҳамма буюк ишларга муносиб баҳо берамиз ва бедодлик қилган, айниқса жиноят қилган кимсаларни кечира олмаймиз.

Биз ўз илдизларимизга болта уриш учун асослар бор, деб ҳисоблаётганимиз йўқ. Ҳақиқат битта. Биз уни даврларга тақсимлай олмаймиз. Тарихимиз содир бўлган ва уни билиш, чинакамига идрок этиш керак. Бу — жуда бой илм. Бу илмга нақадар кўпроқ мурожаат этсак, бугун ҳам, эртага ҳам нималар қилишимиз кераклигини шу қадар тушуниб олаверамиз.

Биз бу дунёга бир марта келамиз. Бас, шундай экан инсонга, унинг ҳаётига ва унинг бутун ишига муносабат ҳам жуда ҳалол, ҳурмат руҳида бўлиши керак, бу гап тарихимизнинг туб бурилишларидаги қурашнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олган кишиларга айниқса тааллуқлидир. Айниқса бутун бир авлодга нисбатан адолатсизликка ва ҳурматсизларча муносабатга йўл қўйиб бўлмайди, бундай қилиш жиноят бўлур эди. Модомики, совет халқи зиммасига тушган ҳамма синовларга, шу жумладан, ўтмишдан ҳаммамизга автоматдек ўқ ёғдириб турган синовларга тузумимиз бардош берган экан, — демак, у халқ томонидан қўллаб-қувватланадиган мустаҳкам тузумдир, биз бу тузумни қарор топиш ва ривожланишнинг барча босқичларида ҳаққоний кўрсатишга интилишимиз керак.

Гоҳ қора, гоҳ оқ тарафга оғиб кетиш ярамайди, диалектика керак. Турмушда бундай оғишлар бўлмайди, ҳамма нарса ёнма-ён, курашда ва ўзаро боғланишда боради. Буни биз яхшиликлик билан тушуниб олишимизни жуда истар эдим — битта чала ҳақиқатни иккинчи чала ҳақиқат билан алмаштириш ярамайди. Буларнинг ҳаммаси — барча ютуқлар, талафотлар ва фожиалар билан ўтган тарихимиздир.

Биз ўз тарихимиз билан, унинг ҳар бир куни билан фахрланамиз, чунки ҳатто Ватаннинг шуҳрати бўлган кишилар ноҳақ нобуд бўлган пайтда ҳам, ҳатто шу оғир вақтда ҳам ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар меҳнат қилдилар, ҳаётни илгари силжитдилар ва давлатни тараққиётнинг янги чўққиларига кўтардилар. Шу сабабли биз тарих ҳақида гапирганимизда кимларнингдир шахсини улуғлаш ёки ерга уришни хоҳламаймиз, балки тарихимизда ҳал қилувчи куч бўлган халқни муносиб баҳолаймиз.

Бу — жуда мураккаб диалектика, ўртоқлар, аммо фақат шу тарздагина, тарихни ҳалол таҳлил этиб, ҳозирги кун учун хулосалар чиқариб, олға бориш мумкин. Учрашувимиз бошида мен бу мавзуга қисқагина тўхталдим. Сизлар шу мавзу ҳақида гапирдингиз, шу сабабли тарихимизга тааллуқли гапни яна бир бор айтишни зарур топдим.

Қайта қуришнинг энг муҳим вазифаларига қайтиб, халқнинг руҳини мустаҳкамлаш, унинг қайта қуриш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаш ҳозирги бош вазифа эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Қайта қуришни ижтимоий кучларнинг реал қураши жараёнида кўрсатиш керак. Одамлар ўзгаришлар бўлишини хоҳлайдилар, қайта қуришда қатнашишни хоҳлайдилар, бироқ кўп ҳолларда нима қилишни билмайдилар. Билмасликлари яхши эмас-ку, ўртоқлар! Янгича ёндашувларни ўзлаштириб олишда одамларга ёрдам бериш керак. Ўтмишдаги тажрибага мурожаат этиш, ундан бугун ҳам ишимизга яхши хизмат қиладиган ҳамма жиҳатларни олиш лозим. Таъбир жоиз бўлса, биз диалектик инкор усулида иш тутишимиз: бир вақтлар барча босқичларда бизда фойдали тарзда иш берган, хизмат қилган ҳамма яхши, қимматли тажрибаларни ўзимизга сингдириб олишимиз керак. Умрини яшаб бўлган эски нарсаларни эса улоқтириб ташлаш ва унинг ўрнига янгиларини ҳосил қилиш лозим. Бизнинг қоидамиз мана шундай.

КПСС раҳбарияти қайта қуриш навбатдаги босқичининг янги, катта вазифаларини ҳал этиш чоғида шу ерда ҳозир бўлган кишиларга ҳам катта умид боғлайди. Келинглар, комил ишонч ва қатъият билан олға борайлик ва бизнинг қайта қуриш сиёсатида позициялардан қайтмаслигимизга сизларда ҳеч қандай шубҳа-гумон бўлмасин. Биз пировардигача шу сиёсатга содиқмиз. Биз йўлни танлаб олдик, ҳеч қаёққа оғмаймиз. Аммо, бутун жамиятни, бутун мамлакатни кўтариш керак, ўртоқлар.

Муваффақият ёр бўлсин!

(ТАСС).

Редактор ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

ЧИРЧИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

БАЙРАМ ЛИБОСЛАРИ

«ЛОЛА» якка тартибда буюмлар тикиш ҳамда кийимлар ремонти фабрикаси қошида байрам либослари тайёрлашга мўлжалланган янги цех ишга туширилди. Айни кунларда бу ерда корхона конструкторлари ҳамда технологлар томонидан тавсия этилган 80 моделдаги кийимлар тикилмоқда. Бу мураккаб ва масъулиятли вазифа Л. Коткова бошчилигидаги бригада аъзоларига топширилган.

ДЎСТЛИК ВА МЕҲНАТ ТАРОНАЛАРИ

«ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ишлаб чиқариш бирлашмаси техника ва маданият саройида ўтказилган халқ ижодиёти байрами ана шундай деб номланди. Унда областимизнинг кўпгина шаҳар ва районларидаги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ижодий коллективлари иштирок этишди.

Байрамдан тушган маблағ эса О. Кошевой номли болалар уйи счётига ўтказилди.

А. ҲАКИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ БЎЛИМИ

РСФСРНИНГ ҚУРИҚ СОВХОЗЛАРИ ВА КОЛХОЗЛАРИГА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАШ УЧУН БОРУВЧИ

ОИЛАЛАРНИ САЙЛАБ ОЛАДИ

— ПСКОВ, НОВГОРОД ОБЛАСТЛАРИГА — 1988 ЙИЛ 2 ФЕВРАЛДА ЖЎНАБ КЕТИЛАДИ.

— ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИГА — 1988 ЙИЛ 4 МАРТДА ЖЎНАБ КЕТИЛАДИ.

— ЧИТА ОБЛАСТИГА — 1988 ЙИЛ 1 АПРЕЛДА ЖЎНАБ КЕТИЛАДИ.

— ИВАНОВО ОБЛАСТИГА — 1988 ЙИЛ 13 МАЙДА ЖЎНАБ КЕТИЛАДИ.

Кўчиб борувчи оилаларга биринчи йилиёқ алоҳида уй ёки квартира, ҳовли иморатлари бўлган томорқа участкаси берилади.

Кўчиб боришни хоҳлаган оилаларга — оила бошлиғига 200 сўмгача ва оиланинг ҳар бир аъзосига 75 сўмгача бир йўла ёрдам пули, оила ҳисобига икки тоннагача миқдордаги уй жиҳозларини ташиб олиш йўл харажатлари қийм